O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ | Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan • www.uzas.uz • 2009-yil, 4-sentyabr • № 36 (4019)

БАЙРАМ ОҒУШИГА БУРКАНГАН ДИЁР

Истиқлолимиз ўн саккиз ёшга тўлди. Халқимиз таъбири билан айтганда, бу — бир йигит умри. Аммо шу қисқа давр ичида мустақил давлатимиз тарих саҳифаларидан ҳақли суратда жой оладиган, наинки бугун биз, келажак авлодлар ҳам тўла маънода фахрланадиган шонли йўлни босиб ўтди. Бундан 18 йил муқаддам халқимизнинг асрлар бўйи орзиқиб кутган миллий истиқлолига эришганимиздан буён бу улуғ неъматни мустаҳкамлаш, янги демократик жамиятни барпо этиш, янги авлодни тарбиялаш, эски тузум тамойилларидан воз кечиш йўлида қанчадан-қанча қийинчиликларни, узилиш ва етишмовчиликларни, ташқи хуружларни енгиб ўтишга тўғри келди. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, ўтган давр мобайнида кўпни кўрган, меҳнаткаш ва бағрикенг халқимиз ҳақиқий мустақилликка эришиш, истиқлолимизни ҳар қандай хуруж ва ғаразли ёвуз ҳаракатлардан ҳимоялаш йўлидаги машаққатли курашларда тобланди. Юртимизда ҳукм сураётган тинч ва осуда ҳаётнинг қадр-қимматини, минтақамизда миллатлараро ва динлараро тотувликни асраш ва мустаҳкамлаш нақадар муҳим эканини англаб етди.

31 август куни Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида Ватанимиз мустақиллигининг 18 йиллик байрамига бағишлаб ўтказилган тантанали маросимда табрик нутқи сўзлаган Президент Ислом Каримов ўтган давр мобайнида халқимиз эришган тарихий ютуқларга тўхталар экан, ўз олдимизга мақсад қилиб қўйган демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш, шу муқаддас заминимизда яшаётган барча инсонлар учун ҳеч кимдан кам бўлмайдиган эркин, обод ва фаровон ҳаёт қуриш йўлидан ҳеч қачон қайтмаслигимизни алоҳида таъкидлаб ўтди.

Озод ва обод, тинч-тотув, аҳил ва иноқ юртга байрамлар, тўйтантана, шод-хуррамликлар бағоят ярашади. 1 сентябр куни пойтахтимизнинг гўзал хиёбонларидан бирида қисқа вақт ичида қуриб битказилган муҳташам "Ўзбекистон" халқаро анжуманлар саройида мамлакат ҳукумати аъзолари, Олий Мажлис Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, хорижий давлатларнинг мамлакатимиздаги элчихоналари, халқаро ташкилотлар ваколатхоналари, жамоатчилик вакиллари, фан, маданият, санъат намояндалари иштирокида Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланган тантанали мажлис бўлиб ўтди. Мажлисни шаҳар ҳокими А. Тўхтаев очди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ўз нутқида "Тошкентнинг тарихи ва бугунги ҳаётини Ўзбекистоннинг тарихи ва бугунги ҳаётидан, Ўзбекистоннинг келгуси тараққиётини Тошкентнинг истиқболидан ажратиб, айри ҳолда тассаввур этиб бўлмайди", деб алоҳида таъкидлади.

Бугун наинки минтақанинг, айни чоғда дунёнинг энг гўзал, бетакрор шаҳарларидан бирига айланган Тошкент ўзининг йигирма икки асрлик тарихи давомида жуда кўп воқеаларга, хусусан, қирғинбарот урушларга, босқинчиларнинг хунрезликларига, табиий офатларга дуч келди. Аммо бу ерда истиқомат қилаётган халқнинг иродаси, аҳил-иноқлиги ва тадбиркорлиги туфайли шаҳар ҳам, шаҳар халқи ҳам бу офатлардан омон қолди. Бу қутлуғ масканда номлари ислом оламида маълум ва машҳур алломалар Қаффол Шоший, Шайх ҳованди Тоҳур Хўжа Аҳрор Валий, Шайх Зайнидин бобо, Иброҳим ота, Қўйлиқ ота сингари азиз-авлиёлар, аллома ва мутафаккирлар етишиб чиққан. Давлатимиз раҳбари бу азиз инсонларнинг номларини ёдга олар экан, Тошкентда туғилиб камол топган Абдулла Авлоний, Мунаввар қори, Абдулла Қодирий, Ойбек, Ғафур Ғулом, Зулфия, Миркарим Осим, Саид Аҳмад, Обид Содиқов, Собир Юнусов, Яҳё Ғуломов, Юнус Ражабий, Шукур Бурхонов, Ўлмас Умарбеков сингари илм-фан ва маданият намояндаларини ҳам чуқур миннатдорлик билан эслаб ўтди.

Тошкент истиқлол йилларида тамомила ўзгариб, бутун Ўзбекистоннинг фахри ва ғурурига айланди, десак муболаға бўлмайди. Давлатимиз раҳбарининг бевосита ташаббуси билан бунёд этилган маҳобатли бино ва саройлар, кўркам хиёбонлар, маданият ва санъат масканлари, ўқув юртларининг янги муҳташам мажмуалари, равон кўчалар, замонавий кўприклар, савдо расталари шаҳар нуфузини янада оширди, уни Шарқнинг чин маънодаги маданий-маънавий дарвозасига айлантирди. Бир вақтлар темурийлар салтанатининг мустаҳкам таянчи бўлган Тошкентда азал-азалдан турли миллат ва элатларнинг вакиллари аҳил-иноқликда яшагани, бир-бирларига елкадош бўлиб, босқинчи ва талончиларга қарши биргаликда курашгани тарихдан яхши маълум. Бу ноёб ахиллик бугун ҳам шаҳар ҳаётининг ўзига хос фазилати ҳисобланади. "Тошкентнинг Тошкент деб, яъни тошдек мустаҳкам шаҳар деб довруқ таратишида бу ерда яшаган аҳолининг асрлар давомида ёвларга қарши — бу муғул босқини ёки араб истилоси бўладими, бошқа мустамлакачи кучлар бўладими — уларнинг барчасига қарши кўрсатган мардона жасорати муҳим рол ўйнагани шубҳасиз, албатта", деб таъкидлади Президент Ислом Каримов.

Юртимизда миллий давлатчиликни шакллантириш, мустақил ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш, тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, давлатлараро ҳамкорлик, халқлар ўртасидаги дўстлик муносабатларини ривожлантиришга қўшган катта ҳиссаси, эзгу анъаналарни сақлаш, маданий, маънавий-маърифий ҳаётимизни юксалтириш, ёш авлодимизни Ватанга муҳаббат, миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялаш борасидаги улкан хизматлари учун ҳамда 2200 йиллик юбилейи муносабати билан Тошкент шаҳри давлатимиз раҳбарининг Фармонига биноан "Мустақиллик" ордени билан мукофотланган эди. Президентимиз ушбу юксак мукофотни топширди.

Тантанада ЮНЕСКО Бош директорининг ўринбосари Ҳанс д,Орвил, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети профессори Абдуғафур Расулов, республика "Нуроний" жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими раиси Муҳаммаджон Зуфаров сўзга чиқдилар.

Маросим санъат усталари ва истеъдодли ёш ижрочиларнинг катта байрам концерти билан якунланди.

А.АБДУЛЛАЕВ (ЎзА)олган сурат.



С.ТУРМОНОВ (ЎзА)олган сурат.

Миннатдорлик

МАЪНАВИЙ БУРЧИМИЗ

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда маданият, санъат ва бошқа ижодий соҳалар ривожига алоҳида эътибор берилаётгани, халқимизнинг неча минг йиллик маънавий меросини тиклаш, улардан ёш авлодни тўла баҳраманд этиш мақсадида муҳтарам Президентимизнинг бир қатор Фармон ва қарорлари эълон қилингани ўз самарасини бермоқда. Айниқса, ёш ижодкорлар ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватланаётгани, уларга ўз салоҳиятларини тўла намоён этишлари учун яратилаётган шарт-шароит бизни бениҳоя хушнуд этади. Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг "Эстрада қўшиқчилик санъатини янада ривожлантириш тўғрисида"ги қарори, Ўзбекистон Давлат консерваториясининг муҳташам биноси қуриб фойдаланишга топширилгани, эстрада-цирк коллежининг қайта таъмирдан чиқарилгани, Санъат институтининг янги бино билан таъминлангани ва яна ёш ижрочилар учун кўплаб нуфузли танловлар ташкил этилгани мамлакатимизда маданий ислоҳотлар изчиллик билан амалга оширилаётганидан далолат беради.

Куни кеча Президентимизнинг Фармонига биноан бизга берилган юксак мукофот ҳам ана шу ғамхўрликнинг яна бир янги ифодасидир. Бу мукофот зиммамизга янада масъулиятли, аммо шарафли вазифа юклайди. Камтарин меҳнатимизнинг бу юксак эътирофи, айни чоғда, давлатимиз раҳбарининг эстрада йўналишида ижод қилаётган барча тенгдошларимизга билдирган юксак ишончи ҳисобланади.

Йилдан йилга фаровонлашиб бораётган ҳаётимиз, Озод ва Обод Ватанимиз, улуғ ишларга бел боғлаган саховатли, бағрикенг халқимиз, шиддати баланд тенгдошларимиз ҳақида куйлаш, ўз санъатимиз билан тингловчилар қалбида эзгу туйғулар уйғотиш биз санъаткорларнинг маънавий бурчимиздир.

Ватанимиз равнақи йўлида астойдил меҳнат қилишга, юксак мукофотга ҳамиша муносиб бўлишга, янги-янги қўшиқларимиз билан азиз халқимизни хушнут этишга ҳаракат қиламиз.

Сардор РАҲИМХОН,
Зоя ЦОЙ,
Дилноза ИСМИЯМИНОВА,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар

ТОШКЕНТ ВАСФИ

Муҳтарам Президентимизнинг Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланган тантанали мажлисдаги нутқини тинглаб...

Сўрсалар: нимадан яралган илк бахт?
Дейман: у сабрдан — дошдан яралган.
Шош шаҳри — Тошкент деб аталган пойтахт
Номига яраша — тошдан яралган.

Асли Қуёш бежиз чиқмагай Шарқдан,
У шундан нур эмиб, тўлиб чиқади.
Балки илк тафаккур уфқида балққан
Шошийлар тимсоли бўлиб чиқади.

Балки у Шарқда энг кўҳна чамандир,
Тусмолим исботлар шундай ҳис-туйғу:
Бекорга Тошкент деб аталмагандир,
Эҳтимол, Тош асрин маҳсулидир у.

Кундузлар заминдан осмонга боқсанг,
Фалакда ягона Қуёш кўрингай.
Тунлар кўкдан замин томонга боқсанг,
Қуёшдай чароғон кент — Шош кўрингай.

Жамолинг сеҳридан бўлиб вақти хуш,
Саболар саловот айтиб елади.
Донингдан бир чўқим чўқиган ҳар қуш,
Ҳаттоки Маккадан қайтиб келади.

Лойингни Шош этиб қорганда Эгам,
Унга ризқ-рўз кўшиб эттанми бино?!
Шу боис дунё танг ҳолда қолса ҳам,
Бағрингдан барака аримас асло.

— Бошинг тошдан бўлсин, — деган хуш калом
Сенга нисбат бериб айтилгани рост.
Шу боис дунёда бек, деб олиб ном,
Музаффар яшамоқ бизларга мерос.

Васфингни куйлагум завқ-шавққа тўлиб,
Жўшгум шу кунларга истиғфор айта.
Чунки мустақиллик тимсоли бўлиб,
Нурли истиқлолдан туғилдинг қайта.

Сенга пок қалбимда муҳаббат қат-қат,
Сендирсан курранинг энг шоён шаҳри.
Энг улуғ тилагим шу: бўлгин абад
Нон шаҳри, иймон ва шараф-шон шаҳри!

Зиёвиддин МАНСУР

Ёзувчилик — бу оддий касб эмас, худо берган истеъдоддир. Бу — қисмат, пешонага ёзилган тақдир. Бу касбга ҳеч қаерда ўқитиб, ўргатиб бўлмайди. Ёзувчиликнинг мактаби ҳам, дорилфунуни ҳам битта. У ҳам бўлса, бир умр ҳаётнинг ичида бўлиш, ўз халқи билан ҳамдарду ҳамнафас бўлиб яшаш, ҳақиқат ва адолатга садоқат билан хизмат қилишдир.

Ислом КАРИМОВ

АДАБИЁТГА ЭЪТИБОР – МАЪНАВИЯТГА, КЕЛАЖАККА ЭЪТИБОР

Таҳририят ташаббуси

Давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси фаолияти самарадорлигини ошириш, миллий адабиётимизни янада ривожлантириш ва ёшларга билдирган фикр-мулоҳазалари ҳамон адабий жамоатчилик ҳамда ижодий ташкилотларнинг диққат-эътиборида турибди. Ёзувчилар уюшмаси ва газетамиз таҳририяти ҳамкорлигида ўтказилган давра суҳбатларида, уюшманинг вилоят бўлимларида ўтказилаётган тадбирларда бугунги адабиётимизнинг ютуқ-камчиликлари, замонавий қаҳрамон образини яратиш йўлидаги изланишлар, ижод аҳлининг ижтимоий фаоллиги, ёш истеъдод эгаларини қўллаб-қувватлаш мавзуларида эркин фикр юритилмоқда.

Куни кеча таҳририятимиз ташаббуси билан мамлакатимизнинг бир қатор вилоятларидаги олий ва ўрта махсус ўқув юртларида "Адабиётга эътибор — маънавиятга, келажакка эътибор" мавзусида адабиёт сабоқлари бўлиб ўтди. Улар давлатимиз раҳбарининг Ватанимиз мустақиллигининг 18 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги ҳамда Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланган мажлисдаги нутқларида баён этилган фикр-мулоҳазалар асосида ҳам ташкил этилгани айни муддао бўлди.

Андижон давлат университетида ўтказилган сабоқда Ўзбекистон халқ шоири Тўлан Низом, шоира Хуршида, адабиётшунос олималар Ҳанифа Солиҳова, Салима Мирзаева ва Ҳалим Карим иштирок этиб, талабалар билан дилдан суҳбатлашдилар. Андижон тиллар педагогика институтида, вилоят педагогика ва Асака педагогика коллежларида ўтказилган суҳбатларда таниқли шоир ва ёзувчилар Олимжон Холдор, Қамчибек Кенжа, Замира Рўзиева, Маърифат Қосимова, Фарид Усмон, Қобил Мирзо, Омина Тожибоева, Мунаввара Тиллабоева, Бегойим Холбекова ва бошқалар иштирок этишди.

Адабиёт сабоқлари Қашқадарё вилоятининг ҳам бир қатор ўқув юртларида бўлиб ўтди. Қарши давлат университетида ёзувчи Муҳаммад Очил, педагогика коллежида шоира Нилуфар Усмонова, банк коллежида Исмоил Тўхтамишев ва Бўритош Носировалар иштирокида ўтказилган суҳбатлар ғоят қизиқарли ўтди.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али ва адабиётшунос олим Адҳамбек Олимбеков Ўзбекистон давлат Жаҳон тиллари университети халқаро журналистика ва инглиз тили факультетларида, таниқли ёзувчилар Омон Мухтор ва Эркин Самандар Санъат институтида, Мирпўлат Мирзо ва Ортиқбой Абдуллаев Педагогика университетида, Икром Отамурод ва Асад Дилмуродов Маданият институтида бўлиб, бу ерда таҳсил олаётган ёшлар билан самимий мулоқотда бўлишди.

Таниқли шоирлар Нодира Афоқова ва Шодмон Сулаймоннинг Бухоро давлат университети талабалари билан, Тошпўлат Аҳмад, Бахшулло Ражабов ва Жўра Фозилнинг Бухоро ҳамда Галаосиё педагогика коллежларида ўтказган суҳбатлари тингловчиларда яхши таассурот қолдирди.

Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоирнинг Тошкент вилояти педагогика коллежидаги учрашуви ёш адабиёт ихлосмандларини хушнуд этди.

Адабиёт сабоқлари наманган вилоятида ҳам қизиқарли руҳда ўтди. Чунончи, устоз олимларимиздан Алихон Халилбеков Наманган Давлат университетида, шоир Эрмамат Нурматов Санъат коллежида, Ёзувчилар уюмаси вилоятида бўлими масъул котиби Зиёвуддин Мансур шаҳар педагогика коллежида суҳбат ўтказиб, тингловчиларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтардилар.

Ёшларнинг қизиқишларидан келиб чиқиб, бундай сабоқлар бундан буён ҳам мунтазам равишда ўтказиб турилади.

Ўз ахборотимиз

«ШАРҚ ТАРОНАЛАРИ» халқаро мусиқа танлови якунланди

Юртимизда еттинчи маротаба ўтказилган "Шарқ тароналари" халқаро фестивали мусиқа дини, миллати, тили, урф-одатидан қатъи назар, халқларни бирлаштирувчи, миллатлар ўртасидаги дўстлик ришталарини мустаҳкамловчи қудратли куч эканини яна бир бор намойиш этди.

Қадим шарқона руҳ уфуриб турган, жаҳонга кўҳна меъморий обидалари, бебаҳо нақшу нигорларини кўз-кўз қилиб, халқимизнинг олижаноб фазилатларини ўзида мужассам этган кўҳна ва ҳамиша навқирон Самарқанд бир ҳафта давомида дунёнинг турли бурчакларидан келган 300га яқин ижрочилар, меҳмонлар ва журналистлар билан янада гавжум бўлди. Мазкур мусиқа анжуманида бу йил илк бор Мексика ва Коста-Рика давлатлари вакиллари қатнашгани фестивалнинг нуфузи ортиб, доираси кенгайиб бораётганидан далолатдир.

Шуниси эътиборлики, анжуман иштирокчилари фақат Регистонда эмас, Самарқанд шаҳрининг сўлим гўшалари "Мўъжиза" амфитеатри, "Ёшлик" ва "Сўғдиёна" истироҳат боғлари, "Сангизор" оромгоҳи ва Самарқанд, Оқдарё, Пайариқ, Жомбой, Тайлоқ, Ургут туманларида ҳам концерт дастурларини намойиш этдилар.

Давоми иккинчи саҳифада.

«ШАРҚ ТАРОНАЛАРИ»

халқаро мусиқа танлови якунланди

Бошланиши биринчи саҳифада.

Фестивал доирасида ўтган "Шарқ мусиқа маданиятининг жаҳон тамаддунида тутган ўрни" мавзуидаги илмий анжуманда жаҳонинг йирик мусиқашунос олимлари, мутахассислар қатнашдилар.

Ижодий беллашувлар, мароқли учрашувлар, ўзаро дўстона мулоқотлар тарзида ўтган "Шарқ тароналари" фестивалининг тантанали ёпилиш маросими ғоят ҳаяжонли кечди. Ҳакамлар ҳайъати хулосасига кўра фестивалнинг олий мукофоти — Гран-при Туркманистондан келган Лали Бегназарова ва халқ чолғу ансамблига берилди.

Ўзбекистон халқ артисти Матлуба Дадабоева ва халқ чолғу ансамбли ҳамда Озарбойжон бадиий жамоаси биринчи, исроиллик Леви Шемптов ва Жанубий Корея бадиий жамоаси иккинчи, италиялик Лаура Моллика хоним ва қувайтлик санъат усталари учинчи ўринга сазовор бўлдилар.

Мўғулистон, Хитой, АҚШ, Бангладеш вакиллари "Шарқ тароналари" фестивали ҳакамлар ҳайъатининг махсус соврини билан тақдирландилар. Германия ва Эрон санъаткорлари "Мухлислар қалбидан жой олган жамоа" деб топилди. "Миллий санъатни ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун" махсус соврини Ҳиндистон ва Қозоғистон жамоаларига насиб этди.

Самарқандда еттинчи марта катта тантаналар билан ўтган бу мусиқа анжумани Президентимизнинг қўйидаги сўзлари нақадар ҳаққоний эканини яна бир бор исботлади. "...Бизнинг ҳаётимизга, аввало, фарзандларимиз, болаларимизнинг онги ва қалбига ҳеч қандай чегарани, ҳеч қандай ғов-тўсиқни билмайдиган мусиқа садолари, мумтоз куй ва қўшиқлар қанчалик чуқур кириб борса, бу, ўз навбатида, халқларни бир-бирига яқин қилишга, ҳамкорлик ва дўстликка даъват этади ва том маънода енгилмас кучга айланиб қолади ".

ПАЙШАНБАНИНГ "САРБОЗИ"СИ

Каттақўрғоннинг Пайшанба шаҳарчасида яшаётган етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган аҳолини ҳақиқий санъат ихлосманди десак, муболаға бўлмайди. Шу боис бу ерда ўтадиган тўю тантаналарга қўшни қишлоқ ва шаҳарлардан хонандалар таклиф этишга эҳтиёж йўқ. Санъатга ихлоси баланд, куй-қўшиқ, рақсни жонидили билан ижро этадиган талантлардан ташкил топган "Сарбози" халқ ансамблининг довруғи 1985 йили республикамиз бўйлаб кенг ёйилди. Шу кунга қадар "Сарбози" вилоят ва республика миқёсидаги ўндан ортиқ кўрик-фестивалар ғолиби ҳамда Тошкент, Самарқанд шаҳарларида ўтадиган Наврўз, Мустақиллик байрамлари тантаналарининг доимий қатнашчисидир.

Жамоанинг довруғ ёйишида нуронийлар Ҳидоят Раҳимова, Муҳаррам Воҳидова, Сония Шомуродова, Абдураҳмон Давлатов, Мамарайим Жалилов, Музаллам Раҳимоваларнинг хизмати катта. Узоқ йиллар меҳнат қилиб, кексалик гаштини сураётган отахону онахонлар халқимизнинг азалий куй-қўшиқлари, айтишув, ялла, термаларига қайта "жон" бахш этиб, санъатимизнинг унутила бошлаган турларини тиклашга киришдилар.

Беш ёшдан саксон ёшгача бўлган ўттизта қатнашчи ўз дастурларини тарихий удумлар, урф-одатлар билан уйғунлаштирилган ҳолда саҳналаштиришга муваффақ бўлди. Ижро чоғида миллий, қадимги рўзғор буюмлари, кийимлар, тақинчоқлар, иш қуролларидан фойдаланишга алоҳида эътибор берилади. "Ёрмачоқ", "Чарх", "Соғиниш", "Айланаман", "Озода", "Анварча" каби қўшиқ, терма, ашула, лапарлар қуйланаётганда жинчироқ, чарх, деҳқончилик асбобларидан фойдаланилганлиги туфайли чиқишларнинг мазмундорлиги, таъсирчанлиги ортди. Бир пайтлар Каттақўрғонда танилган ҳофиз Карим Салимовнинг ансамбл билан ҳамкорлиги самарали бўлди. Карим ака бундан роппа-роса олтмиш йил муқаддам Каттақўрғон сув омбори қурилишида иштирок этганди. Ҳофизнинг ўша йилларда ижро этган қўшиқлари "Сарбози" дастурига файз киритди. Исмат Орзиев, Ризон Рўзиев, Муяссар Раҳмонова, Суюн Мўминов, Саттор Нажмиев, Қаҳрамон Насруллаев, Фароғат Муродиллаева каби турли ёшдаги санъатсеварлар ижросидаги "Қорадарёча", "Сарбози", "Доира" рақси, "Қилпиллама", "Субҳидам", "Ялли-ялли қизгина", "Оқ шойидан кўйлагим" каби ўнлаб рақс ва ашулалар пиру бадавлат отахон Абдураҳмон Давлатовнинг миллий рақсларига уйғун бўлиб томошабинлар олқишига сазовор бўлаётир.

Ансамбл таркибида меҳнат фахрийлари билан бир қаторда турли соҳа ходимлари, коллежларнинг ўқувчилари, ҳатто боғча болалари ҳам фаол иштирок этишмоқда. Ўрни келганда "Сарбози" фолклор-этнографик ансамблининг илк ташкилотчилари Сора ва Абдураҳмон Завқиевларнинг хизматларини эътироф этиш жоиз. "Сарбози" жамоасининг Ўзбекистон мустақиллигининг 18 йиллигига бағишлаб тайёрлаган байрамона мусиқий дастури ҳам кўнгилларга завқ-шавқ улашди.

Абдуазиз ҲОШИМОВ

КЎНГИЛДАГИ ЁРУҒЛИК

ёхуд она шаҳрим камоли

Пойтахтимиз марказидаги "Ўзбекистон" халқаро анжуманлар саройида бўлиб ўтган Тошкентнинг 2200 йиллигига бағишланган тантанали анжуманни ойнаи жаҳон орқали томоша қилиб, бир севинчим мингта бўлди. Айниқса, Юртбошимизнинг шу анжуманда сўзлаган нутқларида: **"Бугун бизни ўз бағрига олган мана шу бино, чиндан ҳам, миллий меъморлик санъатимизнинг ажойиб намунаси бўлиб, унинг ғояси ва лойиҳаси, муҳандислик ечимлари, ҳар қайси устуни, ҳар қайси ғишти, ички ва ташқи безаклари — барчаси ўз кучимиз, ўзимизнинг моҳир уста, қурувчи ва пайвандчиларимиз, етук мутахассисларимизнинг меҳнати билан бунёд этилгани ҳаммамизга ғурур ва ифтихор бағишлайди"**, деб айтган дил изҳорларидан бошимиз осмонга етди.

Мен қирқ йилдан кўпроқ вақт мобайнида бинокорлик касби билан шуғулланиб келганим учун ҳам бу сўзлар ва бундай юксак эътирофнинг салмоғини чуқур ҳис қиламан. Ҳозир ёшим саксонга яқинлашиб қолди. Она шаҳримнинг бугунги жамолига боқиб асло тўймайман. Қурилишларнинг бугунги кундагидек бу қадар катта маромида ва маҳобатини илгари асло кўрган эмасман.

Тошкентнинг 2200 йиллиги арафасида ғоят қисқа вақт ичида бунёд этилган ва пойтахтнинг тўйи нишонланган халқаро анжуманлар саройининг маҳобатига бир боқинг-а. Бу бино соҳибқирон Амир Темур бобомиз тулпорини гижинглатиб турган пойтахт марказига узукка кўз қўйгандек ярашиб тушганини айтмайсизми?! Ўзбекистон кўчаси чорраҳасида, консерватория ёнида қад ростлаган "медиамарказ" қиёфасини кўриб эса юрагим ҳаприкди. Биноларни гугурт қутиларига ўхшатиб эмас, ўз юртимиз, миллий қиёфамиз, миллий меъморчилигимизга мослаб ҳам бинойидай қилиб қурса бўлар экан-ку?

Бир пайтлар соҳибқирон Амир Темур даврида Самарқанд, Бухоро ва Шаҳрисабзда жаҳоннинг энг машҳур меъмор усталари жалб этилиб, маҳобатли бинолар қурилганидан хабаримиз бор. Самарқанддаги Регистон мажмуига кирувчи мадрасалар, Шаҳрисабздаги Оқсарой, Бухоро обидалари ўз даврида қанчалик кўркам қилиб қурилган бўлса, бугун ҳам юртимизга келаётган сайёҳлар кўзини қувнатиб, ўтмишда аждодларимиз нечоғли узоқни кўриб иш тутганларини намоён этиб турибди.

Тошкент – 2200

Истиқлол йилларида пойтахтимиз ва бошқа шаҳарларимизда қурилаётган иморатлар ҳам улуғ аждодларимизнинг азму шижоатига муносиб бўлиб, бу аньана янада кенг кўламда давом этаётганидан далолатдир.

Шунинг учун истиқлол бизга нима берди?, деган саволга баралла айтаманки, истиқлол бизга ўз юртимиз, ўз Ватанимизга эгалик туйғусини қайтарди. Қайси кўчани қандай обод қилишни, қаерда нимани қандай қилиб қуришни, Аллоҳга беадад шукур, ўзимиз ҳал этадиган, ўз миллий дунёқарашимиз ва ўз қудратимиздан келиб чиқиб иш тутадиган бўлдик.

Тошкентдаги Ҳазрати Имом мажмуи, Ислом университетининг янги бинолари қандай гўзал қилиб қурилган бўлса, Тошкентнинг 2200 йиллиги муносабати билан ҳам ундан-да зўр меъморий мўъжизалар пойтахтимиз чиройига чирой қўшди.

Мен оддий қурувчи бинокор бўлганим учун ҳам шаҳримиз кўчаларидан ўтар эканман, ҳар бир янги боғ ва хиёбон, йўл ўтказгич, савдо мажмуалари, спорт иншоотлари, мактаб ва коллежларнинг кўркам қиёфаларига, аввало, қурувчи, бинокор нигоҳи билан боқаман ва ўзимда йўқ даражада мамнунлик ҳис этаман. Пойтахтимиз марказида хиёбонларнинг янада кўпайиб, кўкаламзор қилинган, аҳоли болалари билан дам олиб, хордиқ чиқарадиган майдонлар кенгайганидан ҳайратга тушдим. Пойтахт бўлгандан кейин ана шундай бағрикенг ҳам бўлиши керак-да.

Биз шўролар даврида ишлаганимизда қурилишларда бугунгидек янги қурилиш техникалари йўқ эди. Туну кун заҳмат чекиб, у қадар катта миқёсларга эриша олмасдик. Айрим қурилишлар йиллардан йилларга ўтиб, битмасидан эскириб кетарди. Энди қурилишларда энг замонавий хорижий техникаларни бемалол ишлатмоқдамиз. Бу техникалар иш унумига унум қўшаётир. Шу сабабли эндиликда кеча кўрган кўчангизда бугун бошқача манзарага дуч келиб, тушимми ё ўнгимми, демоқдамиз. Буларнинг ҳаммасига, бундай шижоат ва қудратга халқимиз истиқлол туфайли эришди.

Фақатгина мамлакат пойтахти эмас, вилоятларимиз марказлари ҳам таниб бўлмас даражада гўзаллашаётганини ойнаи жаҳон орқали кўриб, завқланмоқдамиз. Бу ўзгаришларнинг ҳаммасида Юртбошимизнинг раҳнамолигини кўриб, у кишини замонавий шаҳарсозлик қурилишининг жонкуяр ижодкори сифатида ҳис этаётирмиз.

Гўзалликдан гўзаллик туғиладди, дейдилар. Дарҳақиқат, бундай маҳобатли иморатларни қурган, уларда ишлаётган ва ўқиётган юртдошларимиз, уларнинг фарзандлари бундан-да чиройли ва ҳашаматли иморатлар бунёд этиш туйғуси билан яшамоқдалар. Бу туйғу, гўзал шаҳри ва пойтахти билан фахрланиш туйғуси, ҳаммамизга ёр бўлсин, дейман.

Она шаҳримиз ўзининг 2200 йиллиги муносабати билан "Мустақиллик" ордени билан тақдирлангани ҳам қалбимизга ифтихор бағишлаётир. Шу муносабат билан Юртбошимиз айтган мана бу сўзларда ҳам катта мазмун ва моҳият бор: **"Ватанимизнинг беполён ҳудудини Тошкентда туриб, худдики тоғ чўққисидан қарагандек кузатиш, қиёслаш, тасаввур қилиш мумкин. Таъбир жоиз бўлса, Худонинг ўзи бу муаззам шаҳарни шундай юксакка кўтариб, унинг мақомини пойтахт бўлишга ҳар томонлама муносиб қилиб яратган, десак, муболаға бўлмайди".**

Шундай гўзал, улуғвор пойтахтда яшаётганимиз учун Аллоҳга беадад шукрона айтамиз ва Тошкентимиз дунё тургунча турсин деймиз.

Тўлқин ЖУВОНМАРДИЕВ,
кекса бинокор

«САРДОБА»НИНГ БОЛГАРИЯ САФАРИ

Навоий шаҳар маданият саройида ташкил этилган «Сардоба» фолклор-этнографик ансамбли Болгариянинг Великое Терново шаҳрида ўтказилган анъанавий жаҳон халқлари фолклор фестивалида иштирок этди.

Йигирмага яқин мамлакатдан келган бадиий жамоалар орасида «Сардоба» ансамбли қадимий қўшиқлар, урф-одат, анъаналар ва маросимлардан ташкил топган дастурини намойиш этиб, томошабинларда қизиқиш уйғотди. Айниқса, ёш рақҳоса қизларнинг жозибали ижролари, «Лачак ўраш» ва «Бешик тўйи» каби миллий меросимиз лавҳалари, Жамшид Тоғаев ижросидаги шўх рақслар болгарлар ва хорижий меҳмонларда қатта таассурот қолдирди. Гуландом Санақулова, Ойбек Тоғаев ва қизиқчи Шуҳрат Саидовларнинг чиқишлари, 74 ёшли Камола Боқиеванинг якка рақслари кўпчиликда қизиқиш уйғотди. «Биринчи марта шундай гўзал масканга ташриф буюришим, — деди Камола Боқиева. — Бу ернинг ўзига хос табиати, манзараси мени мафтун этди. Болгариялик ва хориждан келган фолклор жамоалари қатнашчиларининг Ўзбекистонимизга қизиқишлари катталиги, маданиятимиз ва санъатимизга, урф-одат, анъаналаримиз ва либосларимизга эътибори ниҳоятда кучли эканини кўриб фахрландик».

«Сардоба» фолклор-этнографик ансамбли иштирокчилари Болгария бўйлаб ижодий сафарда Нисевер ва Светой власть шаҳарлари аҳолисига концертлар намойиш этишди. Шунингдек, жамоа Дарково шаҳрида ўтказилиётган «Дарково — 2009» XI жаҳон фестивалида қатнашиб, «Энг яхши жамоа» деган номга сазовор бўлди.

Сафар давомида хорижий мамлакатлардан ташриф буюрган фолклор жамоалари ўзаро дўстлашдилар, тажриба алмашдилар. «Сардоба»нинг репертуари бошқа халқлар куй-қўшиқлари ҳисобига бойиди.

Ўткир ТОҲИРОВ

«ҚАРЛУҚ БОҒОТ» МАҲАЛЛАСИДА

Қарши шаҳридаги "Қарлуқ боғот" маҳалласида истиқлол байрамига бағишланган учрашув бўлиб ўтди. Учрашувда пойтахтдан ташриф буюрган бир гуруҳ ёзувчи ва шоирлар, санъаткорлар иштирок этишди.

Қарши шаҳар ҳокими Шуҳрат Турсунов учрашувни очар экан, истиқлол йилларида мазкур маҳалла қиёфаси тубдан ўзгариб, янада ободонлашгани, бунда маҳалла фаолларининг ҳам ҳиссаси катта бўлаётгани ҳақида сўзлади. Маҳалла аҳли ижтимоий-маънавий ҳаётимизнинг барча соҳаларида бошқаларга ўрнак бўлиб, ёшларни ҳунармандлик ишларига жалб этиш борасида катта ютуқларга эришмоқдалар. Ўтган йили "Қарлуқ боғот" республика миқёсида ўтказилган "Энг обод маҳалла" кўрик-танлови ғолибларидан бири бўлди. Бунда маҳалла фуқаролар йиғини раисаси Гулчеҳра Пиримқулованинг ва маҳалла фаолларининг ташаббускорлиги, фидойилиги муҳим аҳамият касб этди.

Тадбирда ЎзМУ профессори Қозоқбой Йўлдошев, адабиётшунос олим Абдулла Улуғов, маҳалланинг кекса онахони, Ўзбекистон халқ артисти Муҳтарама Носирова, "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетаси бош муҳаррири ўринбосари Мурод Абдуллаев мамлакатимизда истиқлол йилларида амалга оширилган улуғ бунёдкорлик ишлари, миллий қадриятларимизни тиклаш борасида эришилган ютуқлар ҳақида сўзладилар. Шоирлар Ахтамқул Карим ва Лола Саодатовалар ўзларининг янги шеърларидан ўқиб беришди. Ўзбекистон халқ артисти Замира Суюнова ижросидаги дилбар қўшиқлар маҳалла аҳлининг байрам қувончларига қувонч қўшди.

АДАБИЁТ — МИЛЛАТ ВИЖДОНИ

Бадиий ижод ижтимоий-сиёсий ҳаётимизнинг барча соҳалари қатори миллат маънавиятининг ҳам бирламчи қўзгусидир. Зеро, буюк алломаларимиз, таниқли ижодкорлар адабиётни халқ виждони ва миллат кўзгуси сифатида қабул қилганлар. Халқ оғзаки ижоди намуналари саналган эртак ва ривоятлар, қўшиқ ва достонлар ёзма адабиёт пайдо бўлгунга қадар асосий тарбия қуроли бўлиб келгани ҳам бежиз эмас. Бундай асарлар барчани ватанпарварлик, мардлик, жасурлик сари етаклаган.

Бугун ҳам адабиётнинг роли, унинг куч-қудрати асло сусаймаган. У ҳамон миллат виждони сифатида ўз қудратига эга. Буни инкор этиб бўлмайди. Муҳтарам Президентимизнинг Ёзувчилар уюшмаси фаолиятини яхшилаш, унинг самарадорлигини ошириш ва миллий адабиётимизни ривожлантириш бўйича ёзувчи ва шоирлар, адабий жамоатчилик олдида турган долзарб вазифалар ҳақидаги мулоҳазалари энг чекка қишлоқлардан бирида баҳоли қудрат ижод қилаётган мендек оддий ижодкорни ҳам қувонтириб юборди.

Айниқса, юрт раҳбарининг интернет адабиёти ва уни тарғиб қилиш, ўзбек адабиёти намуналарини ўзгуси сифатида қабул қилганлар. Халқ оғзаки ижоди намуналари саналган эртак ва ривоятлар, қўшиқ ва достонлар ёзма адабиёт пайдо бўлгунга қадар асосий тарбия қуроли бўлиб келгани ҳам бежиз эмас. Бундай асарлар барчани ватанпарварлик, мардлик, жасурлик сари етаклаган.

Бугун ҳам адабиётнинг роли, унинг куч-қудрати асло сусаймаган. У ҳамон миллат виждони сифатида ўз қудратига эга. Буни инкор этиб бўлмайди. Муҳтарам Президентимизнинг Ёзувчилар уюшмаси фаолиятини яхшилаш, унинг самарадорлигини ошириш ва миллий адабиётимизни ривожлантириш бўйича ёзувчи ва шоирлар, адабий жамоатчилик олдида турган долзарб вазифалар ҳақидаги мулоҳазалари энг чекка қишлоқлардан бирида баҳоли қудрат ижод қилаётган мендек оддий ижодкорни ҳам қувонтириб юборди.

Айниқса, юрт раҳбарининг интернет адабиёти ва уни тарғиб қилиш, ўзбек адабиёти намуналарини ўнёга олиб чиқиш, нашр ва нашриёт масалалари юзасидан билдирган фикрлари нафақат адабиётга, ижодкорларга, балки мустақил ватанимизнинг тарихи, бугуни ва эртасига, унинг меҳнаткаш халқига, маънавиятига бўлган жуда катта эътибордир.

Шундай экан, бугун адабиётимизда ўзбекона ахлоқ нормаларини бузаётган қусурларнинг ҳам олдини олишимиз лозим. Бугунги кун тараққиётига тўсқинлик қилаётган жараёнларни кўрқмай қаламга олишимиз даркор. Газета-журналлар, радио-телевидение орқали ижодкорлар ҳаёти ва ижодини, уларнинг дунёқарашини кенг оммага етказиш керак. Шу билан бирга, кўтарилган ҳар қандай масала, танқидий мулоҳаза изсиз кетмаслиги керак.

Муносабат

Шунингдек, болалар адабиётини ҳам ёддан чиқармаслик зарур. Зеро, келажак ворисларини тарбиялаш, уларнинг камолотга эришувида болалар адабиётининг роли катта. «Бола бошдан — ақл ёшдан», деган нақл бор. Болани ёшлигидан тарбия қилинмаса, кейин кеч бўлади. Шу боисдан ҳам болалар адабиёти вакилларига, қўғирчоқ театрлари, мультфилмлар билан ишловчи ижодкорларга алоҳида рағбат зарур.

Ёзувчилар уюшмасининг вилоят бўлимларида таниқли шоир ва ёзувчиларнинг ижодий дарсларини уюштириш, имкони бўлса, вилоятларда ҳам (олийгоҳлар қошида) адабиёт курслари ташкил этиш мақсадга мувофиқ кўринади.

Барча вилоятларда, шаҳар ва қишлоқларда марҳум ижодкорларни хотирлаш, уларнинг асарлари кўргазмаси ёки ижод йўлига доир адабий кечалар ташкил этиш, газета ва журналларда уларнинг асарларидан намуналар эълон қилиш, маҳаллий телевидение, радиода эшиттириш ва кўрсатувлар тайёрлаш ҳам яхши самара беради.

Шунингдек, қалам аҳлининг дунё аренасига чиқишига кўмаклашиш ҳам бугунги кун талабидир. Зеро, дунё адабиётида шундай номлар борки, уларни барча бирдек севади, ардоқлайди. Ҳемингуэй, Байрон, Шекспир, Гёте, Пушкин, Лермонтов, Толстой, Навоий, Машраб, Махтумқули, Мухтор Авезов, Ўрхан Помуқ, Чингиз Айтматов, Ойбек сингари том маънодаги ижодкорлар номи дунёда эъзоз топган.

Мен бир ижодкор сифатида муҳтарам Президентимизнинг адабиётимиз ҳақидаги қайғуришларида эл-юртнинг бугуни ва эртаси ҳақида ўйлаётган улкан юракни кўрдим. Юртбошимиз айтганидек, адабиётда катта ўзгаришлар ясасак, ўзбек адабиёти жаҳонни эгаллашига, дунё китобхонлари халқимиз ҳаёти, турмуш тарзи билан сара асарлар орқали танишишига шубҳа қолмайди.

Оташ ХОЛМИРЗАЕВ

Чортоқ тумани.

ЭКОУЙ ҚАНДАЙ ҚУРИЛАДИ?

Яқинда хориж матбуоти ("АиФ", 35-сон) саҳифаларида қизиқ бир хабарга кўзим тушди. Унда айтилишича, ҳозир Германияда сомондан деворбоп ғишт тайёрловчи бинокорларнинг профессионал уюшмаси мавжуд экан. Айни чоғда пресслаб зичланган сомон бўлакларидан бир ва икки қаватли уй деворларини тиклашнинг миллий стандартлари ҳам ишлаб чиқилибди.

Шу ҳақда ўйлаганда кўпгина қишлоқ жойларимизда бугун ҳам деворларнинг сомонли лой билан сувалишини эсладим. Бўстонлиқнинг хушманзара Хумсон қишлоғида синчли ўйларни сомонли лой билан сувоқ қилишнинг антиқа усуллари борлиги ҳақида эшитганда эса жаҳонда энг тараққий этган халқлардан ҳисобланган олмонларнинг зичлаб шаклга солинган сомон бўлакларидан арзон ва қулай уй тиклашга киришганлари бежиз эмаслигини тушундим. Олмонларнинг бу кашфиётидан руҳланган Белоруснинг Белоручи қишлоғилик Евгений Широков эса ўзига мана шундай ажойиб уй қуриб олибди.

У ўзининг антиқа коттежини тиклашда қиша идишлардан пойдевор қурибди. Шиша идиш мустаҳкам ва иссиқни сақлаб туриш хусусиятига эга экан. Шиша идишлардан фойдаланиш туфайли уйнинг пойдеворига цемент одатдагидан 150 баробар кам ишлатилибди. Деворларни тиклашда эса ёғоч синчлардан фойдаланилган. Унинг ораларига қалинлиги олтмиш сантиметрли зичланган сомон бўлаклари ғиштдай қилиб қалаб чиқилган. Деворлар сирти эса металл тўр билан қопланиб, оддий лойсувоқ қилинган. Евгений Широковнинг гувоҳлик беришича, сомон девор уй ичидаги иссиқ ҳароратни ғишт ва ёғочдан ҳам кўпроқ сақлай оларкан. Бунинг устига арзон. Оддий бир қаватли уйни тиклаш учун беш тонна сомон зарур бўлибди. Унинг ҳар тоннаси икки минг рубль туради. Шундай тежамли ва экологик жиҳатдан тоза материаллардан коттеж тиклашга ҳаммаси бўлиб, саккиз минг доллар сарфланибди.

Евгений Широков тажриба тариқасида қурган уй доира шаклида бўлиб, уни совуқ шамоллар айланиб ўтгани учун иссиқ бўларкан. Бу ҳам қадимги аждодларимиз ўз ўтовларини доира шаклида қургани бежиз эмаслигини кўрсатиб турибди. Доира шаклидаги уйнинг тепасига эса қуёш батареяси ўрнатилган. У дазмол ва кир ювиш машинасидан бошқа барча электр ускуналарни ишлатишга кифоя қилади. Бунинг устига уйда электр қувватини тежовчи электр чироқлар ўрнатилган...

Совлигинг – бойлигинг

Тажрибакор уста Европарламентнинг "қизил-яшиллар фракцияси" экспертларидан бири ҳисобланади. Унинг айтишича, Европада болалар саломатлиги юзасидан ўтказилган махфий тадқиқотлар ҳар жиҳатдан соғлом болалар умумий болалар сонининг атиги ўттиз фоизини ташкил этишини кўрсатган. Бундай ҳолнинг сабаби европаликлар бир кеча-кундузнинг 23 соати мобайнида суньий равишда яратилган муҳит ичида бўлиши билан изоҳланмоқда. Ана шу муҳитнинг ичида эса инсон саломатлигига салбий таъсир кўрсатадиган тўрт мингдан ортиқ токсинлар аниқланган. Албатта, бундай қулай муҳитни яратишда ишлатиладиган бинокорлик материалларининг барчасида санитария сертификатлари мавжуд. Бироқ уларнинг ҳаммаси биргаликда инсон саломатлигига кўрсатадиган таъсирларни ҳеч ким ҳали тадқиқ этиб кўрмаган. Уларнинг ичида ПВХ кимёвий моддасидан тайёрланган метериаллар ҳам оз эмас. Бу модда иккинчи жаҳон урушидан сўнг немислар томонидан тайёрланган жанговар заҳарловчи моддалардан олинган. Улар эскирганда зарарли ингредиентларга сочилиб кетади. Шунинг учун ҳам космик кемаларни жиҳозлаш ишларида бу материалдан фойдаланиш қатъиян тақиқланади.

Бутун жаҳонда экологик ҳаракатларнинг авж олиб, зарарсиз деворбоп материаллар ишлаб чиқариш эътибор топаётгани боиси ҳам шунда эмасми? Россиядаги қурилиш фирмаларидан бирининг эгаси сомон билан боғлиқ "ноу-хау"га астойдил қизиқиб, Балашихада сомондан дастлабки коттежни қура бошлабди. Белоруссияда эса ўттиз ёш оила шундай бутун бир экоқишлоқ қурилишини маблағ билан таъминлашга тайёр туришибди. Уларнинг ҳисоб-китобига кўра, сомондан тикланадиган қўшқаватли уй Минск шаҳридаги бир хонали квартиранинг нархидан анча арзонга тушаркан.

Бир пайтлар шамолнинг қуввати ва қуёш нуридан электр энергияси олиш ҳам кўпчиликка ғалати кўринган эди. Бугун юртимизда қуёш нуридан электр олиб, уйларни ёритувчи ноёб ускуналар кун сайин урф бўлиб бормоқда. Унинг ёрдамида қўриқхоналаримизда туну кун теливизор ва компьютерлар ишлатилмоқда, сув иситилмоқда, алоқа коммуникациялари электр билан таъминланмоқда. Худди шу каби зичланган сомондан арзон ва экологик қулай уй-жойлар қуриш ҳам оддий ҳолга айланадиган кунлар узоқ эмас.

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили муносабати билан деворбоп қурилиш материллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш юзасидан қўрилаётган тадбирлар ҳам миллий меъморлик ва уйсозлик қурилиши билан шуғулланувчи олимларимизни мана шу йўналишдаги янги тадқиқотларга илҳомлантирса ажаб эмас.

Зеро, уйларни арзон ва қулай, энг муҳими келажак авлодларимиз саломатлиги учун хавф туғдирмайдиган бинокорлик материалларидан тиклашга доир янгиликларнинг истиқболи катта.

М.АБДУЛЛАЕВ

Аждодларимиз ижоди бўлган миллий ўтовлар ҳам ҳар қандай «экоуй»дан қолишмайди.

Бу йил атоқли шоир Огаҳий (1809 — 1874) таваллудига 200 йил тўлади. Шу муносабат билан матбуотимизда Огаҳий ҳаёти ва ижодига бағишланган мақолалар эълон қилинаётир. Шоир шахси, адабий мероси, санъаткорлиги мавзуларидаги янги тадқиқотларни "ЎзАС" саҳифаларида ўқияпмиз. Умуман, шоирнинг ҳаёти ва ижоди адабиётшунослар томонидан бир қадар ўрганилган. Унинг шеърлари, тарихий ва таржима асарларидан кўплаб намуналар чоп этилган, шеърлари нашр бўлган. Аммо ҳозирга қадар энг тўлиқ ва эътиборли саналган манба — 1960 йили Ш.Шарафиддинов (Хуршид) томонидан нашрга тайёрланган "Таъвизул ошиқин" девонидир. Кузатишларимиздан маълум бўлдики, бу китобдан, айрим сабабларга кўра, Огаҳийнинг анчагина шеърлари тушиб қолган экан. Китобда 333 та ғазал берилган. Ваҳоланки, Ўз ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида сақланаётган ва энг мукаммал ҳисобланган № 938-рақамли "Таъвизул ошиқин" девонида 433 та ғазал берилган. (Ушбу қўлёзма 1323-ҳижрий санада Абулғози саййид Муҳаммад Раҳим Баҳодирхон томонидан махсус фармон билан Муҳаммад Яъқуб Девон ибни усто Қурбонниёз Хоразмий (Харрот) котиб томонидан кўчирилган). Шунингдек, 1960 йилги нашрга 55 та рубоий киритилган бўлса, мазкур қўлёзмада 82 та рубоий мавжуд.

Биз мазкур қўлёзмани баъзи манбалар билан қиёслаб, тўлиқ ҳолда икки жилдга мўлжаллаб, нашрга тайёрладик. Насиб этса, тез кунларда бу нашр ўқувчилар қўлига етади, деган умиддамиз.

Хамир учидан патир, деганларидек, мазкур нашрдан Огаҳийнинг ҳозирга қадар чоп бўлмаган бир неча ғазалларини саралаб, газетхонлар ҳукмига ҳавола этмоқдамиз.

Сайфиддин САЙФУЛЛОҲ,
филология фанлари номзоди

ОГАҲИЙ

Сарбаланд ўлсам ажаб эрмас бани одам аро

Ғазаллар

Чун бу кун ул ҳусн шоҳи ёри ҳамдамдур манга,
Ғуйиё мулки жаҳон яксар мусаллалмдур манга.

Давлатий васлидин эл ичра Сулаймонлиғ топиб,
Ҳалқаи бахти қави илкимда хотамдур манга.

Жоми Жамға илтифотим бўлмаса йўқ айбким,
Косаи базми висоли соғари Жамдур манга.

Истабон жаннатниким, ул гул баҳори ҳуснидин,
Базми ишрат гулшани сарсабзу ҳуррамдур манга.

Сарбаланд ўлсам ажаб эрмас бани Одам аро,
Ким муъиён ул сарфарози насли одамдур манга.

Ишқ мулки шоҳи ман, ишқ аҳлидур чокарим,
Токи ёр эҳсонидин шаъни муъаззамдур манга.

Эй фалак, ҳар кун манга арз этма хуршидингниким,
Ул қуёшнинг меҳри афзунроқ дамодамдур манга.

Чун манга лутф айлаб ул марғуби олам бўлди дўст,
Борча олам аҳли душман бўлса не ғамдур манга.

Огаҳий ул ой қилибму илтимосимни қабул,
Ё мутеъи ҳукми жумла аҳли оламдур манга.

* * *

Ҳолимға қил тараҳҳум эй соқийи дилоро,
Ким эмди манда йўқдур меҳнат чекарга ёро.

Ҳар тун келиб қошимға очиб юзинг гулини,
Жаннат киби етургил базмимга зеби оро.

Лаълинг наботин айлаб гулгун май ичра мамзуж,
Рангин қадаҳ ичида тут шарбати гуворо.

Соғар тутарда айлаб изҳор лутфи эҳсон,
Ширин табассум эткил лаълингдин ошкоро.

То ман қадаҳни олиб таъзим ила қўлингдин,
Ло журъа нўш айлаб оллингда бемадоро.

Сархуш бўлуб туну кун ул шаҳ дуосин айла,
Ки даргаҳида қулдур Жамшид бирла Доро.

Бўлғон дуоси мақбул арбоби фақр ҳақи,
Қил Огаҳий дуосин мақбул Кирдикоро.

* * *

Кулбам сари нигоро келгил шитоб айлаб,
Ғулдек узоринг узра хўйдин гулоб айлаб.

Ҳажрингда тийра бўлғон шомимни айла равшан,
Хуршиддек юзингдин рафъи ниқоб айлаб.

Ҳусн ичра сен қуёшсен, тегрангда ул дилраболар,
Саргашта заррадурлар юз изтироб айлаб.

Ишқ аҳли ичра бординг юз ноз ишва бирла,
Келсанг на бўлди бизни ондин ҳисоб айлаб.

Ҳажр ўтиға ёқарсен жонимни кеча-кундуз,
Журмим недурки билмон мунча азоб айлаб.

Фарёдким бошимға солди балову меҳнат,
Ман хастани улусдин чарх интихоб айлаб.

Раҳм этмас Огаҳий ул золим агар йўлида,
Қилсанг нисор жонинг, жисминг туроб айлаб.

* * *

Агар боғ ичра ул гул ноз бирла қилса хандон лаб,
Куларга ғунча очмоқдин бўлур асру пушаймон лаб.

Назокат махзанида оғзидур дуржи адам лекин,
Сочарда сўз дурини қилғуси они намоён лаб.

Ҳаёти тоза топғум ҳар қачон лаълини зикр этсам,
Масиҳоваш нигоримға магар эрмишдурур жон лаб.

Хиром айлардаҳу сўзларда чун қадду лабин кўрдум,
Қарорим олди қадду, айлади ақлимни ҳайрон лаб.

Керакдур оби ҳайвондин оғиз ҳам қилса жондин тил,
Эмасдур кимсага очмоқ лаби васфида осон лаб.

Жаҳолат бир давосиз дард эрур, жоҳилға билгилким,
Қулоқ солмас илож дардига гар очса Луқмон лаб.

Керакдур хизмат аҳлиға замони қилмаса таъхир,
На хизмат амриға тебратса гар ҳаргоҳ султон лаб.

Бўлуб гарми тафаккур Огаҳий қил пухта сўзниким,
Сўзингға сўз топорға очмасун ҳеч бир суҳандон лаб.

* * *

Эй сарви хиромони гулистони латофат,
Ширин даҳанинг чашмаи ҳайвони латофат.

Зулфи сияҳинг боғи назокат аро сунбул,
Зебанда лабинг ғунчаи хандони латофат.

Лаълинг суйидур Кавсар, атрофида онинг,
Хушбўй хатинг, сабзаи райҳони латофат.

Холинг юз уза нур китоби уза туғро,
Пайваста қошинг мисраъи девони латофат.

Гулзори руғунатда қадинг сарви сарафроз,
Фархунда узоринг гули бўстони латофат.

Ишқ аҳлиға базм ичра лабинг шарбати бирла,
Себи заканинг атъимаи хони латофат.

Огаҳий нетонг чаҳ-чаҳ урар булбули табъим,
Ким маскан ангадур чаманистони латофат.

* * *

Гул эмас рухсори тобонингча хўб,
Ғунча ҳам йўқ лаъли хандонингча хўб.

Хизр суйи гарчи руҳафзодурур,
Лекин эрмас оби ҳайвонингча хўб.

Бўлмағай Кавсар қироғи сабзаси,
Лаълинг узра хатти райҳонингча хўб.

Боғ аро наргис кўзи бўлғой қачон,
Ораз узра чашми фаттонингча хўб.

Олмашгали нечаким дилкашдурур,
Бўлмади себи занахдонингча хўб.

Сунбул олмас не учун эл кўнглини,
Бўлса гар зулфи паришонингча хўб.

Сарв олмасму эди элдин қарор,
Гар эса қадди хиромонингча хўб.

Хўблар лутфи майи гар хўб эрур,
Лек эмас саҳбойи эҳсонингча хўб.

Ошиқинг кўбдур вале эрмас бари,
Огаҳийи зори ҳайронингча хўб.

"Жаҳон адабиёти"
2009 йил, июл



Журналнинг янги сони илк саҳифаларида журналхонлар эътиборига Ўзбекистон Республикаси президенти Ислом Каримовнинг Ёзувчилар уюшмаси фаолиятининг самарадорлигини ошириш ҳақидаги фикр-мулоҳазалари тақдим этилган.

Таниқли адиб Фарҳод Жилоннинг "Маҳмуд Кошғарий" номли тарихий романи туркий халқларнинг жаҳонда тан олинган биринчи тилшунос олими ҳаёти саҳифаларини ёритишга бағишланган. Мазкур асар ёзувчига катта шуҳрат келтирган. Романни уйғур тилидан Саидмурод Холбеков таржима қилган. Журналнинг ўтган сонларида эълон қилинган В.Яннинг "Қўрғон узра гулханлар" романининг якуний қисмини ҳам ушбу сонда ўқийсиз. Туркманистонлик ёзувчи Беки Сайтақовнинг "Бола бахши" номли ҳикояси Машариф Сафаров таржимасида эълон қилинган.

Журналларни варақлаганда

Ҳозирги замон қирғиз шеириятидан сараланиб, Турсунбой Адашбоев томонидан ўзбекчалаштирилган бир туркум шеърлар "Олатовдан эсган эпкин" сарлавҳаси остида эълон қилинган. Шунингдек, "Шеърият минтақалари"да сиз чилилик буюк шоир Пабло Неруданинг ўз вақтида "Лотин Америкасининг бадиий қомуси, қитъанинг шеърий солномаси", дея баҳоланган "Муштарак қўшиқ" эпопеясининг "Мачу-пикчу чўққиси" номли бобидан бир парча билан танишасиз. Уни рус тилидан Сулаймон Раҳмон таржима қилган. "Мерос" рукнида эса, Бурҳониддин Рабғузийнинг "Қисаси Рабғузий" асарининг давомини ўқийсиз.

"Нобел маърузалари" туркумида бу гал асли хитойлик адиб, Нобел мукофоти совриндори Гао Синьцзяннинг "Адабиётнинг яшаш ҳуқуқи" мақоласи (таржимон Қудрат Дўстмуҳаммад) эълон қилинган. Адабиётшунос олим ва таржимон Маҳкам Маҳмудовнинг "Аҳли фазл ва беназир эл" мақоласида "Хорижда бобуршунослик" тўплами ("Мумтоз сўз" нашриёти) ҳақида фикр юритилган.

Ог Мандинонинг "Яхши яшаш сири" китобининг иккинчи қисмига кирган яхши яшашнинг ўн етти қоидаси кўпчиликда қизиқиш уйғотиши тайин.

ДЎСТ

ҲИКОЯ



Янги йил оқшомида ички ишлар бўлими навбатчилик қисмига Тубанкўл маҳалласидан қўнғироқ бўлди. Шу ерда яшовчи бир кишига оғир тан жароҳати етказилган, натижада у жон берган. Йил бўйи жиноятчиларни излаб топиш ва сўроқ қилишдан толиққан изқуварлар, терговчи ва криминалистларнинг байрамона кайфияти йўққа чиқди ҳисоб. Улар истар-истамас воқеа содир бўлган жойга етиб боришди. Биринчи навбатда жиноятчининг шахсини аниқлаш лозим. Бу ерда йиғилганлардан тузук-қуруқ гувоҳ чиқмади. Марҳум билан сўнгги бор дийдорлашган киши эса, унинг она бир ота бошқа опаси эди.

Қўшниларнинг айтишича, марҳумнинг уйида бирдан шовқин-сурон кўтарилган ва кўп ўтмай тиниб қолган. Бундан улар хавотирга тушишган. Қўшни уйга ўзлари киришга ботинолмай марҳумнинг опаси билан боғланишган. Аёл етиб келиб, укасининг полда юзтубан ётганини кўради. Унинг ёрилган бошидан қон сизар, аҳволи оғир эди.

Опа «Тез ёрдам»ни чақиради. Гап нимадалигини англолмай саросимага тушиб қолган аёл оғриқнинг зўридан инграётган жигарбандини азот кўтариб бағрига босмоқчи бўлади, лекин улгуролмайди. Укасининг кўзлари йириклашади, қиёфасида мавҳум ифода зоҳир бўлади ва ётган жойида танаси бир силкиниб, омонатини топширади.

Бу ёғи тоза бошоғриқ. Жиноят иссиғида очилса яхши, йўқса ҳисоботларда сарғайиб қолиб кетади. Аксига, ҳадемай Янги йил киради. Жиноятчини зудлик билан топмаса бўлмайди. Хуллас, ишлаш керак. Тезкор гуруҳ аъзолари енг шимариб ишга киришишди. Икки-уч терговчи қўшниларни саволга тутди, прокурор суд-тиббий экспертидан хулосани тезлатишни талаб қилди, эксперт-криминалистлар хонада ивирсиб ётган буюмлардан бармоқ изи олишди, кинологлар итга эргашиб, номаълум жиноятчининг изига тушишди.

Томошаталаблар кўпқаватли уйларнинг айвонлари, йўлак ва эшикларидан воқеа ривожини кузатишар, турли фаразлари билан гурунгни қиздиришарди. Айримлар бу дахмазанинг уларга мутлақо даҳли йўқлигини писанда қилиб, парда ва шторларни намойишкорона туширишар, байрамона кайфиятларини аллақандай кимсанинг қўргулиги туфайли бузиб қўйишдан қўрқишарди. Юзкўзидан ана шундай хавотир сезилиб турган бир кимса аёлини дераза қаршисидан нарига олиб кетди. «Пешонасида ит ўлими ёзиқ экан, ўлса ўлиб кетавермайдими! Сенга нима?!» минғирлади у ҳаракатидан норози бўлиб бурнини жийирган хотинига.

* * *

...Валий тўшликдан сўнг мойга беланган иркит комбинзонини ечди-да, каталакдек устахонанинг бир четига улоқтирди. Эшикка қулф уриб, шундоқ кўча муюлишидаги мўъжаз ҳовли томон юрди. У бугун ҳордиқ чиқармоқчи, одамга ўхшаб тўкин дастурхон атрофида Янги йилни кутмоқчи. Валий ҳаворанг дарвоза қаршисига келиб қўнғироқ тугмасини босди. Дарвоза ортидан жажжи қизалоқнинг ҳарангдор овози эшитилди — «Ким у?». У қизчадан отасини чақириб беришни сўради.

Устахона хўжайини тўнини елкасига омонат илиб чиқди. У уйқу босган беғам кўзларини эриниб ишқаркан:

— Нима гап, уста? — деди.

— Бугун эртароқ кетсам дегандим. Байрам қилмоқчиман. Уч-тўрт сўм пул ҳам зарур, — деди Валий ва хатосини тузатиб қўйди: — Маош ҳисобидан, албатта.

Хўжайин унинг қўлига бир даста пул тутқазди.

* * *

— Укангизнинг оиласи бор эдими, дўст-биродарлари-чи? — терговчи марҳумнинг опасини сўроққа тутди.

— У тузук-қуруқ оила қурмаганди. Ҳар ким билан ўтириб кетавермасди. Қамоқдан чиққанига ҳали кўп бўлмаганди, — аёлнинг кўзларида ёш қалқир, маъюс нигоҳлари бир нуқтага қадалганди.

"Қамоқ" сўзини эшитгач, терговчининг туси ўзгарди, ҳушёр тортди. Гап бу ёқда экан-да, дегандай «ҳмм» деди чўзиб ва тезда саволга тутмаса, калаванинг учини йўқотиб қўядигандек сўради:

— Ҳеч бўлмаса шишадоши бўлгандир...

— Тўғри, — деди аёл унинг гапини тасдиқлагандай. — У топганини бошқалар билан баҳам кўрарди. Аммо топиб-тутишга улгурмаганди. Уйида қўлга илингулик ҳеч вақоси қолмаган, бисотини сотиб юборганди. Ғариб ҳолида уни қидириб келадиган ошнаси йўқ эди, назаримда. Рост-да, бир мириси бўлмаган одамнинг дўстлиги кимга керак?!

Аёл гўё ўзи билан ўзи ҳасратлашаётганга ўхшар, хаёли паришон эди...

* * *

Устахона эгасининг илтифотидан Валийнинг боши осмонга етди. У дўконга кириб, икки-уч шиша ароқ, нон, дудланган колбаса ва мева-чева олди-да, қолган пулини унниқиб, адо бўлаёзган курткасининг чўнтагига солиб қўйди. Буёғини маҳкам тутмаса, маошгача етиб олиши қийин. У ўртоғининг уйига қараб йўлга тушди. Ҳотамни кўпдан кўргани йўқ. Бугун байрамни бирга нишонлайди, унинг ўксик кўнглини олади, ўзи ҳам юрагининг чигилини ёзади. Бошқа қаёққа ҳам борарди. Тўғри, тор бўлса ҳам ўз уйи, ўлан-тўшаги бор. Бироқ ана шу тўрт девор ичида уни кутадиган меҳрибони йўқ.

Тақдир Валийни бешафқат синовлар билан хўп сийлади. Эҳтиётсизлиги оқибатида темир панжара ортида ўтириб чиқди. Бу орада жуфти ҳалоли кўчкўронини орқалаб жўнаворди. У икки норасидасини онасига қолдириб, турмушга чиқиб кетди. Ҳаёт завқига ташна жувон бошқалар сингари ўйнаб-кулишга ҳақли эди, албатта. Бошига иш тушган шўрпешона эрни йиллаб кути-иб ўтириш унга малол келди. Бундай садоқатни у бемаъниликка йўйди. Бир ҳисобда, у гулдек умрини елга совуришни ўзига эп кўрмай тўғри қилгандир...

Шу ўй-хаёллар билан Валий уч-тўрт даҳа нарида яшайдиган оғайнисининг уйига етиб келди. У тўртинчи қаватга кўтарилиб, таниш қўнғироқ тугмасини босди. Эшикдан Ҳотам кўринди. Улар бир-бирини бағрига босиб, узоқ дийдорлашишди. Кутилмаган хурсандчиликдан мезбоннинг тили калимага келмай қолди.

* * *

Воқеа жойидан ҳид олган ит хонадон эшигидан чиқиб, йўлак бўйлаб тўғри ҳовлига тушди. Жониворнинг шаштини кўрган киши шу кетишида у жиноятчини топмай қўймайди, деб ўйлаши тайин эди. Бироқ ит шашт билан олдинга интилганича ҳовли адоғига етиб бордию ҳидни йўқотди, уй этагидаги турнақатор гаражлар ёнида тўхтаб, ирриллаб-ғингшиди, кўзларини узоқларга тикиб, тилини осилтирганича ҳарсиллаб тураверди.

— Навбатдаги омадсизлик, — норози тўнғиллади итни етаклаб олган кинолог. — Еганиниям оқламади, текинтомоқ!

— Кўп вайсама! — шеригининг оғзига урди иккинчи йигит. — Юр, яхшиси буни бошлиққа айтиб, қарғиш теккан жойдан тезроқ кетайлик.

* * *

Тўрхалтадаги егуликларни кўриб, Ҳотамнинг кўзлари яшнаб кетди, очлик азобидан умрбод қутулгандек енгил тин олди. Валий эса уй эгасидан илтифот кутмай, токчада сарғайиб ётган газеталарни хонтахта устига ёзди. Байрам дастурхони тузатди. Қурмағур зорманда шишанинг бир-бирига урилиб чиқарган жилвагар жаранги! Шу лаҳзада икки қадрдон учун бундан ёқимли, бундан мўъжизакор сас йўқ эди дунёда.

Чинни пиёлалар тўлатилди. Уй эгаси меҳмон шарафига ҳамду сано ўқишга киришганди, Валий унинг гапини бўлди. У Янги йилда янгича ҳаёт қуришлари учун ичишни таклиф қилди. Ҳотам бош иргаб, уни қувватлади. Қадаҳларнинг сирли-сеҳрли жарангидан кўнгиллар яйради.

Улфатчилик узоқ давом этди. Гурунг орасида Ҳотам нарёғда кўрган-билганларидан гапирди. Ҳасратидан чанг чиқиб, сим ортида ўтган бесамар йилларига ачинди. Буёқда бева опаси. У ёруғ оламдаги ягона суянчиғини ёлғизлатиб қўйганидан ўкинди.

Яна қадаҳлар жаранги...

Улар узоқ суҳбатлашишди. Кейин ичкилик таъсиридами, толиқиш ё илиқ ҳарорат сабаб бўлдими, ишқилиб, Валийни уйқу босди. У диванга чўзилди. Ҳотам аламли хотиралари билан ёлғиз қолди. Бир пайтлар шаҳарда ундан қудратли киши йўқ эди. Уйидан меҳмон изломнинг оёғи узилмас, кимсан — йирик савдо мажмуасининг мудири эди. Ҳотамбойга замонасининг пешқадам зотлари ҳам қуллуқ қилар, унинг эгнидаги тўрим кийим-бошини кўрган ҳаммунча кибор аҳли ҳам шошиб қоларди. Ҳеч зотнинг хаёлига кирмаган хоржнинг асл буюмлари унинг қўлидан ўтарди. Илтимосу илтижо қилиб келувчиларнинг охири кўринмасди. Вой-бўй, камёб молга қўшимча нарх таклиф қиладиганлар қанча эди! Энди у даврлар ўтмишга айланди. Ўзини давларнинг гули, замонасининг тенгсиз қудрат соҳиби санаб юрган Ҳотамбойдан асар ҳам қолмади. Ойни бенарвон урадиган давангирдай йигит турма саргузаштларидан нарёғига ўтолмайдиган, қадди хиёл эгилган, юзкўзи салқиб, захил тортган шарпага айландиқолди.

Бугун уни болаликдан бирга ўйнаб-ўсган тенгқур ўртоғи сўраб келди. Қандай яхши! Дурустроқ ўйлаб кўрса, иккисининг тақдирида ўхшаш жиҳатлар оз эмас экан. Аввалига омад юз ўгирди, кейин оилалари, дўст-биродарлари бир-бир тарк этди, турма уқубатларини татиб кўришди. Лекин ҳар қандай вазиятда ҳам Валий Ҳотамни ёлғизлатиб қўймади, ундан мурувватини аягани йўқ. Бугун ҳам Янги йилни бирга кутгани тўлиб-тошиб келиб ўтирибди.

Ҳотам ношуд-нотавонлигини, қўли калталигини ўйлаб, ич-ичидан эзилди. Кеч бўлса-да, оғайнисига ўхшаб бирор касбнинг бошини тутмаганидан афсусланди. Энг ёмони, опасини сўраб борганига ҳам неча замонлар бўлди...

Унинг феъли азалдан шунақа: ичса бўлди, ўзидан ўпкалашга тушади. Буям бир одат-да.

* * *

Тезкор гуруҳ раҳбари, ўрта ёшлардаги киши кўпқаватли уй ҳовлисида тик ойқда сигарет тутатиб турар, иш бўйича аниқланган маълумотларни босиқлик билан тинглагач, ўзича мулоҳаза юритарди. Кинологлар ит ҳидни йўқотиб қўйгани ҳақида ахборот беришганида, у бундан ажабланмади. Йигитларга, боравергинлар, деди қўли билан ишора қилиб.

Хизмат итлари жиноятчини топишда ҳамма вақт ҳам ёрдам беравермаслиги аён ҳақиқат. Бунинг ўзига хос сабаблари бор. Шу сабаб гуруҳ раҳбари итнинг кўмагига аввалдан умид қилгани йўқ. Бироқ ҳозир уни бошқа нарса — жиноят-қидирув ходимларининг ҳалигача жўяли далилий ашё ёки бирор бир муҳим маълумотни қўлга киритмагани ўйлантириб қўйганди. Марҳумнинг опаси ва қўни-қўшнилар билан олиб борилган суриштирув тайинли натижа бермади: унга яқин бўлган шахслар ҳақида зарур маълумот олинмади. Мужмал фикр ва қуруқ тахминлар билан жиноятчини аниқлаб ҳам, топиб ҳам бўлмайди. Нима қилмоқ керак?..

* * *

Валий муздек ҳаводан эти жунжикиб уйғонди. Аввал соатига, кейин дераза ойнасига кўз ташлади: эндигина кеч тушибди. Шомги уйқу бехосият бўлади, бунинг устига Янги йил оқшомида ғафлат босиб ётиш ҳам дуруст эмас. У эринибгина ўрнидан турди, керишди, айвонга қаради. Ҳотам ромга тирсагини тираганича ҳовли манзараларига сўник нигоҳ ташлар, қўлидаги сигаретдан чиқаётган заиф тутун борлиққа изсиз сингиб кетарди.

Валий буюмларга уриниб-суриниб ваннага йўналди, қўл-бетини ювиб, хонага қайтди. Диван устидаги курткасидан ғижим дастрўмолини олди-да, юзқўлини артиб, яна чўнтагига тиқди. Шу пайт кўнгли ниманидир сезди чоғи, кўзлари олазарак бўлди. Чўнтагига қайта қўл солди, пули йўқ! Ишонмади, курткасининг авра-астарини чиқарди, эгнидаги кийимларни пайпаслади, киссаларини синчиклаб текширди, фойдаси бўлмади, оёғидан дармон кетиб, бўшашганича диванга ўтириб қолди. Миясида чарх ураётган узуқ-юлуқ хаёллар унга тинчлик бермас, бунинг устига, ичкилик таъсиридан боши гир айланиб, хотирини жамлашнинг иложини топмасди.

У хариддан орттириб, тирикчилигига атаб қўйган пулини курткасининг чўнтагига солганини аниқ-тиниқ эслади. Аммо қаёққа кетади? Киссавурга олдирдим деса, пиёда келди. Хўш, кимдан кўрсин? Ҳотамданми? Йўқ, Ҳотамнинг қўлидан бундай пасткашлик келмайди. Валий шубҳалар исканжасида қолди.

Ҳотам хонага кираётиб айвон эшигини бехосдан қаттиқ итариб юборганди, ойналар зириллаб кетди. У гандираклаб келганича Валийнинг рўпарасидаги стулга ўтирди. «Ича-амиз-а!» деди хонтахта устидаги шишага қўл чўзиб. Кўнглига қил сиғмаётган бўлса-да, Валий сир бой бермади. Ошнаси тутган пиёлани қўлига олиб, секин хонтахта четига қўйди. Ҳотам эса бунга парво ҳам қилмай ароқ тўла пиёлани охиригача сипқорди-да, иштаҳа билан газак қилди.

Валий маош олгунича қандай яшаши ҳақида тинмай бош қотирарди. Энди нима еб, нима ичади? Бетини қотириб яна хўжайин олдига борсинми? Тайинсиз одам экансан, деб жавобини бериб юбормайдими? Кейин иш сўраб қайси эшикка бош уради? Балки пули тушиб қолгандир? Аммо қандай қилиб? Шу пайтгача чўнтагидан писта донаси ҳам тушмаган-ку! Ҳотамнинг табиати, мақсади чинданам ўзгарган бўлса-чи? Ана, кўзлари бежо, хатти-ҳаракатлари шубҳали. Наҳотки, ишонган оғайниси кўзига хас ташлади?! Йўғ-э, Ҳотам бировни тунайдиган даражада муттаҳам бўлиб кетмагандир? Ё туриб ёқасидан олсинми? Балки, қисди-бастига олса, ўмарганига иқрор бўлар? Кейин-чи, муносабатларига дарз кетса, кейин нима бўлади? Қўлини ювиб, қўлтиғига урадими?..

Валий гумон алангасида узоқ ёнди.

* * *

— Ўртоқ бошлиқ, мана жиноятчи! — деди чайиргина ходим бироз ҳавлиқиб.

Тезкор гуруҳ раҳбари хаёл билан ўтирган эканми, сесканиб кетди. У қўллари орқасига қайрилган кишига бошдан-оёқ разм солиб, унинг жиноятчи эканига ишонмади.

— Қаердан топдинг бу кишини? — сўради у ходимдан.

— Қотил — аниқ шу одам! — деди йигит қатъий оҳангда. — Мана, юз-кўзи ҳам айтиб турибди. Узоқдан кузатсам, қўрқа-писа зинадан юқорига кўтариляпти. Бир нимаси бўлмаса, бу ерларда юрмасди. Шундан кўнглим сезди.

Ранг-рўйи бўздай оқарган, азбаройи асабийлашганидан юз-кўзи титраб турган бу одам Валий эди. У оғриқнинг зўридан қўлларини бўшатишга уринар, ходим бунга жавобан уларни маҳкамроқ сиқарди.

Ҳовлида тумонат одам йиғилди.

— Қўлини қўйиб юбор, — деди гуруҳ раҳбари ходимга. Кейин гумондорга юзланди: — Тортинманг, биродар, бор гапни айтаверинг! Йигитлар билан гаплашаман, сизга албатта ёрдам беришади.

Валий бир муддат лом-мим демай турди. У гапни нимадан бошлашни билмай қийналарди.

— Қўрқмай гапиравер! Айтдим-ку, болалар ёрдам беради, — деди раҳбар тоқати тоқ бўлиб.

Валий қалтироқ овозда сўз бошлади:

— Ҳотамдан узр сўраш учун келаётгандим.

— Қанақа узр? Жанжал нимадан чиққан ўзи? Чайналмасдан, бирма-бир тушунтирсанг-чи! — гапини бўлди бошлиқ. — Бошига нима билан урдинг?

— Пулимни ўғирлади, деган гумонда ундан хафа бўлдим. Жаҳл устида уйидан чиқиб кетаётгандим, Ҳотам тўхтатиб қолмоқчи бўлди, уни йўлимдан енгилгина итариб юбордим. Эшикдан чиқаётиб ортга ўгирилгандим — Ҳотам мувозанатини йўқотиб, боши билан хонтахта қиррасига урилди-да, полга йиқилди. Мен бунга аҳамият бермай чиқиб кетдим...

* * *

Валий икки ўт орасида қолди. Бир хаёли «орқангга қайт» деса, бошқаси «қайтма» дерди. У турли хаёллар билан уйига етиб келди. Ҳайҳотдай хонанинг ҳувиллаб ётганини кўриб юраги эзилди, уйига кўшилиб кўнгли ҳам бўшаб қолганини англади.

Валий узоқ вақт остонада меровсираб турди. Шу алпозда бўлиб ўтган воқеаларни мулоҳаза чиғириғидан ўтказди. Ўйлаб кўрса, бошига тушган кўргулик борки, барига ўзи, феъл-хўйи сабабчи экан. Фавқулодда миясига келган бошқа бир фикр эса уни тамоман довдиратиб қўйди: кайф устида шу кечаёқ ичкиликка сарфлаб юбормаслиги учун унинг бор пулини Ҳотам олиб қўйгандир. Ахир шунга ўхшаш воқеа аввал ҳам бир-икки бўлганди-ку!

Валийнинг пешонасини совуқ тер босди, беҳуда шубҳа-гумонларини вақтида қувиб солмаганидан изтиробга тушди. Дўстини эшитиб кўришни ўзига эп билмаганидан виждони қийналди.

У ортга қайтди. Таниш уй олдида нотаниш кимсалар уймалашиб юрарди. Бу манзарани кўриб-кузатиб, кўнгли аллақандай нохушликни сезди, шу дилгир ҳис таъсирида қадамини тезлатди. Аммо ҳар қанча уринмасин, йўли унмади, мадорсиз оёқлари бир-бирига чалишиб кетаверди. Уни бу ерда Ҳотам эмас, дўстининг ўлими ҳақидаги машъум хабар кутиб турарди...

Жиноятнинг хамирдан қил суғургандек осон очилиши ходимларни хурсанд қилиб юборди. Янги йил киришига эса, ҳали анча вақт бор эди.

Норали ОЧИЛ

Навоийхонлик

“ИСТАМАК”МИ ЁКИ “ЭСНАМАК”?

“ЎзАС”нинг 2008 йил 5 декабр сонидаги “Яхшилик била чиқса”ми ёки “қолса”ми?” сарлавҳали мақола кўнглимиздаги баъзи мулоҳазаларни газетхонлар билан ўртоқлашишга туртки берди. Мақола муаллифи Ёқубжон Хўжамбердиевнинг эътирозлари ўринли. У назарда тутган номақбул ҳолатлар адабиётимиз, хусусан, ҳазрат Алишер Навоий маънавий мероси ихлосмандларининг қалбини ранжитади, албатта.

Таассуфки, бундай ноқисликлар ботбот кўзга ташланиб туради. Чунончи, Навоийнинг “Ушшоқ” куйида “Қилғил” радифли ғазали билан айтиладиган қўшиқни баъзи ҳофизлар “Қаро кўзум, келэй мардумлиғ эмди фан қилғил” деб бошласалар, баъзилар “Қаро кўзум, келиб мардумлиғ...” тарзида куйлайдилар. Ҳолбуки, девон тарзида ҳам, шоир шеърларидан намуналар туркумида нашр этилган китобларда ҳам бу мисра “Қаро кўзум, келу мардумлиғ эмди фан қилғил”, деб берилган. Наҳотки, ўша китоблардан бирини топиб, ғазалга бир бора назар ташлаш қийин бўлса?!

Матбуотдаги чиқишларда Навоийнинг бир мисраси “Эл нетиб топқай мениким мен ўзимни топмасам” тарзида тез-тез тилга олинади. “Хазойин ул-маоний”даги иккинчи девон — “Наводир уш-шабоб”нинг 496-ғазалида келган бу мисра аслида бошқача:

Эл нетиб топқай мениким,
мен ўзимни топманам,
Буйлаким, ишқу жунун
саҳросида оворамен.

Биринчидан, шарт майли йўсинидаги “мен ўзимни топмасам” жумласи билан ҳукм тарзидаги “мен ўзимни топманам (топмайман)” жумласи ўртасида мазмунан катта фарқ бор. Иккинчидан, мисраларига кўра, ёки мақоланинг мазмунмоҳиятига мисра маъносини мослаштириш туфайли юзага келган. Фикримиз асоссиз бўлмасин учун бир мисол келтирсак. “Шоирнинг “Эл нетиб топгай (?) мениким, мен ўзимни топмасам”, деган сўзлари халқимизнинг бугунги миллий ўзликни англаш жараёнида ҳам ўз тасдиғини топмоқда”, деб ёзади “Тошкент оқшоми” газетасининг ўз мухбири “Буюк шоирга эҳтиром” мақоласида (2001 йил, 7 феврал, №16). Бу гап газетанинг навбатдаги (2001 йил, 9 феврал, №17) сонида босилган “Алишер Навоий даҳосига таъзим” сарлавҳали мақолада яна яна айнан ўшандай.



ранинг ўзи ҳали тугал маънога эга эмас, у кейинги мисра билан келгандагина мукаммал мазмун касб этади.

Бизнингча, мазкур мисрани бу тарика ўзгартириб қўллашни ихтиёрсиз равишда қилинган, деб бўлмайди. Назаримизда, бу ҳолат муаллифларнинг мақсадбайтига танқидий кўз билан қараб, ўзларича унга тузатиш киритувчи “донолар” пайдо бўлди. Эмишки, байтнинг иккинчи мисраси аслида “Оники йўқ халқ ғами-ю дин ғами” тарзида бўлгану, уни ўша давр мафкурасига мослаш учун ўзгартириб босилган эмиш. Ажаб, “ғамидин” сўзидаги чиқиш келишиги қўйшимчаси “дин” сўзи билан тасодифан маънодош бўлса, бу ҳали мазкур даъвонинг тўғрилигига асос бўла олармикан?! Йўқ, албатта. Чунки, биринчидан, уларнинг айтганидек ёзилса, мисра ғоятда ғализлашади ва бу ғализлик алалоқибат байтнинг мазмунига путур етказади. Иккинчидан, қўлёзма нусхаларда “ғами” сўзидан кейин бириктирувчи боғловчи вазифасидаги “вов” ҳарфини кўрмаймиз. Котибларнинг баъзилари “дин” қўшимчасини эгалик қўшимчаси — “ё”йи вақдатга қўшиб кўчирганлар, баъзилари эса уни алоҳида тарзда битганлар. Бироқ уларнинг биронтаси боғловчи “вов” ҳарфини қўлламаганлигини “Ҳайрат ул-аброр” достонининг илмий-танқидий матнидан (Алишер Навоий, Ҳайрат ул-аброр. Илмий-танқидий матн. Тузувчи: Порсо Шамсиев. Тошкент, 1970, 141-бет, 79-байт) осонгина билиб оламиз.

Кутилмаганда, қўшимчанинг алоҳида тарзда, котиблар тили билан айтганда, узиб кўчирилганлиги туфайли “чалғиш” ҳолати шоир асарлари нашрига ҳам кириб қолганлигининг гувоҳи бўламизки, бу энди анчайин ачинарли ҳолдир.

“Лайли ва Мажнун” достонининг XII бобида шундай байт бор:

Ул иш неки воқиъ ўлди бехост,
Бир-бир деди ул икисига рост.

Бу байт достоннинг барча нашрларида, 1949 йилда асарнинг илмий-танқидий матнини тузган Ғ.Каримов нашридан тортиб, энг сўнгги 2006 йилда В.Раҳмонов томонидан амалга оширилган нашргача айнан шундай кўринишдадир.

Байтнинг таҳлили бундан сал олдин юз берган воқеа баёнини тақозо этади.

Баҳор чоғи дугоналари билан гулшанни сайр қилиб юрган Лайли, иттифоқо, гул бутаси орасида Қайсни учратиб қолади ва бу икки севишганлар ўртасида ҳаяжонли суҳбат бошланади. Қалби изтиробга тўла Қайс ёрига изҳори дил қилар экан, тутақиб сўзлагани туфайли ҳушидан кетади. Лайли унинг бошини тиззасига олиб, кўзларидан ёшлар тўкади, кутилмаган бу воқеадан қайғуга ботади. Шундай вазиятда уни излаб юрган икки канизи уларнинг устига келиб қоладилар. Бу манзарадан дунё кўзларига қоронғи бўлиб кўринган канизаклар қўрқувда “Бу қандай ҳол?”, деб сўрайдилар бекаларидан. Ўзининг қилмишини энди яшириб бўлмаслигига иқрор бўлган Лайли дугоналарининг саволига жавобан нима қилганлиги шу байтда келтирилган.

Энди байтнинг таҳлилига келсак. Биринчи мисрада мазмунга кўра қандайдир боғлиқлик етишмаётгандек. Мисрадан маъно чиқара олмагач, достоннинг эътиборли қўлёзма нусхаларига кўз югуртирамиз (мисолни араб имлосида келтиришнинг имконияти бўлмаганлиги учун ҳозирги имлода кўрсатамиз). Уларда:

Ул ишники воқиъ ўлди бехост —

деб ёзилган. Бунда мисра мазмуни аниқ: бехосдан содир бўлган бу ишни. Байтнинг тўлиқ мазмуни шундай: бехосдан содир бўлган бу ишнинг ростини (яъни қандай юз берган бўлса, шундайлигича) уларнинг иккаласига бир-бир айтиб берди.

Мазкур воқеанинг кутилмаганда юз берганлиги таъкиди сифатида “-ки” боғловчи қўшимчаси қўлланган. Нашрларимиз эса уни сўздаги тушум келишиги қўшимчаси билан биргаликда ўзак сўздан айрича ҳолда қабул қилганлар ва шу тарика мисрага сингишмайдиган “неки” (арабча имлода “ники” ва “неки” бир хил ёзилади) сўзини ҳосил қилганлар.

Достоннинг ана шу XII боби баҳор фаслидаги табиат манзарасининг тасвири билан бошланади. Кўклам чоғи борлиқнинг қанчалар яшнаб кетиши бадиий воситалар, хусусан, ташбиҳ ва ташхис санъатлари орқали ғоятда жонли тасвирланади. Чунончи, бу айёмда тоғлар бағрида нафақат сел, балки ҳар бир тош Фарҳод фироқида ёшлар тўкади.

Тоғ бағрида сел йўқки, ҳар тош,
Фарҳод фироқидин тўкар ёш.

Сахрода қуриган лоланинг учиб юрган гул япроқлари Парвезнинг кулоҳи (бош кийими)ни эслатади.

Сахрода не лола бўлса барбод,
Парвез кулоҳидин берур ёд.

Лоланинг ҳар бир ғунчаси худди лаъл сақланадиган қутича, очилгач эса қизил парчага айланади.

Ҳар ғунчаи лола ҳуққаи лаъл,
Очилса ливода шуққан лаъл.

Бир неча вақт очилиб тургач қуриган лоланинг гул япроқлари ҳавода учиб юраркан, бамисоли бағриқаро (деб аталувчи) қушлар даштга ёйилгандек бўлади.

Чун барги тушарга майл қилди,
Бағри қаро дашт уза ёйилди.

Сув ичидаги бинафша эса ҳар замон турна бошидек кўринади.

Сув ичра бинафша ҳар замони,
Сўна бошидан берур нишони.

Навбатдаги байтнинг мазмунини англаш эса мушкулроқ:

Ёш ғунчаға истамак бўлуб иш,
Жола тушуб, оғзиға бўлур тиш.

Бу ерда ҳам деярли аввалги мисолга ўхшаш ҳолат. Биринчи мисрадаги **истамак** сўзи маъно жиҳатидан сингишмаётгандек. Қолаверса, мисралар ўртасида ўзаро мазмунан боғланиш кўринмайди. Хўш, байтнинг насрий баёни қандай ифодаланган экан? Биз бунга осонгина жавоб топиш имкониятига эгамиз. В.Раҳмонов нашридаги қулайликдан фойдаланган ҳолда байтнинг насрий баёнини ўқиб кўрамиз: “Ёш ғунчаларга иш орттириб ёғилган дўл уларнинг оғзига тиш бўлиб қадалади”.

Кўринадики, насрий баён ҳам кўнгил тўларли даражада эмас. Чунки, у аслиятдан бир қадар узоқлашган ва ҳаётий ҳақиқатдан бироз йироқ. Биринчидан, аслиятдаги ёш ғунча кўпга айланган. Иккинчидан, бир эмас, учта маънога эга бўлган **истамак** сўзи назардан четда қолган. Учинчидан эса, дўлнинг ғунча оғзига тиш бўлиб қадалиши ҳақиқатга тўғри келмайди. Зеро, осмони фалакдан тушиб келган дўл донаси катта тезликка эгалиги туфайли ғунча оғзига қадалиб қолмайди, балки унинг оғзини йиртиб юборади.

Сўнгги илинжимиз энди достоннинг эътиборли нусхаларидан. Навоийнинг ўзи томонидан тасниф этилган “Куллиёт”дан бу байтни ўқиб кўрамиз:

Ёш ғунчаға эснамак бўлуб иш,
Жола тушуб, оғзиға бўлур тиш.

Ана энди маъно аниқ: иши эснаш бўлган ёш ғунчанинг оғзига шудринг тиш бўлиб ўрнашади. Қанчалар ҳайратланарли ифода, жонлантириш услубининг бетакрор намунаси. Шундай эмасми? Хўш, унинг нашрларга бузилган шаклда кириб қолишига сабаб нима? Бизнингча, котибнинг бепарволиги-ю мутахассисларнинг беэътиборлигидир. Арабча имлода “эснамак” ва “истамак” сўзларининг шаклий ўзаги бир хил ёзилади. Қайсидир котиб “нун” билан ёзиладиган “эснамак”ка ихтиёрсиз равишда иккита нуқта қўйиб юборган бўлиши керак. Натижада, “нун” (н) “те” (т)га айланиб, мисрага ўғайдек бўлиб “истамак” сўзи юзага келган. Бу ҳолат насрий баён муаллифлари фойдаланган қўлёзма нусхада ҳам мавжуд бўлган. Бироқ бу сўз байтнинг мазмунига дахлсиздек туюлаётгани учун насрий баённи амалга оширувчилар уни “четга чиқариб қўйиш”ни мақбул кўрганлар. Боз устига, “жола” сўзининг дўл маъносидан ташқари шудринг, шабнам маъноси ҳам борлиги уларнинг эътиборидан четда қолган.

Юқорида биз келтирган учрашувдаги Қайснинг тутоқиб Лайлига айтган гапларидан бири:

Сендин етиб бу шиддат охир,
Кимга тоқойин бу туҳмат охир?!

Байт мазмунини уқиш қийин эмас: сендан етишаётган озорларни кимга тақайин, ахир (бирор кишига нисбатан) шундай қилсам бу туҳмат бўлади-ку.

Бироқ асар қўлёзмасига қиёсланса, бу ўринда ҳам эътирозли жиҳат кўзга ташланади. Биринчидан, тоқайин ёки тақайин сўзини биз “Навоий асарлари луғати”да кўрмаймиз. Иккинчидан, қўлёзма нусхаларда байтнинг иккинчи мисраси:

Кимга ёқайин, бу туҳмат, охир?!

Бунда энди мисрадан маъно чиқариш мушкулроқ, **ёқайин** сўзи ишга тўсқинлик қилаётгандек. Аммо, қарангки, **тоқайин** ва **ёқайин** сўзларининг ҳам ёзилишдаги ўзаги бир хил. Шунга кўра, дастлабки ноширлардан бири, котиб бу ўзакка ихтиёрсиз равишда сўз бошидаги икки нуқтани нотўғри қўйиб юборган ва “ё”йи вақдат “те”га айланиб қолган, деган фикр билан **ёқайин**ни **тоқайин**га ўзгартирган. Бу “тузатиш” нашрдан нашрга ўтиб келаверган. Аслида эса, ўша мисрага қовушмай турган **ёқайин** сўзини чуқурроқ мулоҳаза қилиб кўриш керак эди. Зеро, унинг бир эмас, бир нечта маънога эга эканлиги “Навоий асарлари луғати”да кўрсатилган. Яъни, ЁҚМОҚ — 1. Ёқмоқ (ўт, шам); қуйдирмоқ. 2. Хуш келмоқ, маъқул тушмоқ. 3. Нисбат бермоқ, тўнкамоқ. 4. Суртмоқ, қўймоқ, доғламоқ (дорини).

Кўринадики, бу маъноларнинг учинчиси сўз бораётган мисрага мувофиқ келади. **Ёқайин** сўзини ўзгартиришга қарор қилган шахс назарда тутган сўз бугунги кун тилимизда **тақимоқ** шаклида қўлланади. Тўғри, тилимизда **тақамоқ** феъли ҳам мавжуд, аммо у бошқа маънода қўлланади.

Севишганлар учрашуви баёни билан боғлиқ яна бир байт ҳам мунозарали. Қалби изтиробларга тўла Қайс нигорига ёниб-куйиб сўзлар экан, қаттиқ ҳаяжон туфайли ҳушидан кетади. Лайли унинг бошини бағрига олиб, юм-юм йиғлар экан, кўз ёшлари ошиғининг юзига оқиб тушарди.

Аслиятда ушбу ҳолат:

Қўйнига олиб нигор бошин,
Сочиб юзидин юзига ёшин —

деб ифодаланган.

Нашрларда иккинчи мисрадаги **юзидин** сўзи **кўзидин** қилиб ўзгартирилган. Бир қарашда бу тўғри қилингандек туюлади. Зеро, ёш кўздан чиқади-да, юздан эмас. Аммо чуқурроқ мулоҳаза қилиб кўрилса, бу ерда ҳам “кўз чиқариш” бўлган. Ахир, ёш кўздан чиқади, юздан оқиб тушади. Ана шу оддий ҳолат “тузатувчи”нинг эътиборидан четда қолган.

Бу каби мисолларнинг яна бир қанчасини келтириш мумкин. Бироқ “Мухтасар сўз — мўътабар”, деган нақлга амал қилиб, гапни шу ерда тўхтата қолайлик. Бизнинг ниятимиз кимларнидир хатокорликда айблаш, қайсидир қилинган ишни пастга уриш эмас, асло. Истагимиз ҳамюртларимизни — у хоҳ санъаткор бўлсин ёки сухандон, хоҳ мутахассис ёки публицист — мумтоз адабиётимиз намуналарига юксак масъулият ва жиддий эътибор билан қарашга, уларни нашр этишда ҳар бир сатр ёки байт, ҳар бир ибора ёки сўзни тафаккур тарозусида ўлчаб, сўнгра илмий жамоатчиликка, кенг оммага тақдим этишга чақиришдир.

Юсуф ТУРСУНОВ,
ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги
Давлат адабиёт музейи
катта илмий ходими,
филология фанлари номзоди

Фурқат таваллудининг 150 йиллиги

ШОИРНИНГ ТОШКЕНТЛИК ДЎСТЛАРИ

Мумтоз адабиётимизнинг порлоқ юлдузларидан бири Зокиржон Фурқатнинг ўз вақтида Тошкентга келишини турлича изоҳлашади. Лекин “Туркистон вилоятининг газети”нинг 1891 йил 22 январ 3-сонида чоп этилган “Ҳўқандлик шоир Зокиржон Фурқатнинг аҳволоти, ўзи ёзғони” номли мақоласида шоир ўзининг Тошкентга сафари ҳақида: “Вақтеким аҳволим кўзгуси ҳаводиси шахси нафсидин ғубор топди, саҳройи ғурбат фазоси фарох кўринуб, сафар иродасини кўнгулга мусамам қилдим”, дейди. Аслида бу сафарнинг, яъни шоирнинг Қўқондан чиқиб кетишига бошқа сабаблар ҳам бор экан. 1967 йилнинг айни ёз чоғларида Абдулла Қаҳҳорнинг 60 йиллиги арафасида унинг Дўрмондаги боғига Қўқондан Чархий домла ташриф буюриб, ёзувчини қутлагани келган эди. Ўша арғувон дарахтининг соясида улар ўзаро қуюқ суҳбат қурдилар. Мен уларга чой ташиб, бир чеккада жимгина суҳбатларини тинглаб ўтирардим. Гап айланиб Фурқатнинг Қўқондан чиқиб кетиши сабабига келганда, Чархий домла шундай лутф қилган эдилар:

— Фурқат Қўқоннинг тароқчилик маҳалласидаги Хожи Ашраф деган чилангарнинг эндигина 16-17га тўлиб-тўлмаган қизига кўнгил қўйиб, унга уйланиш ниятини қилган экан. Аммо ўша пайтда Марғилону Андижонда қўша-қўша дўкону чойхоналари бўлган унинг амакиси Турдимуҳаммад билан тоғаси Ҳайдарали косиб бу қизни Турдимуҳаммаднинг ўғлига унаштириб қўядилар. 1889 йилнинг кўкламида бўлиб ўтган тўйдан сўнг, Фурқат Қўқонда туролмай қолади ва аввал Хўжанда, сўнгра Тошкентга сафар қилади.

Чархий домланинг бу хабари тасдиғини мен бошқа бирор ёзма манбада учратмадим. Лекин Фурқатнинг марғилонлик Ройиқ таҳаллусли шоир, мактабдор домла Тошболтага ёзган мактубида шундай сатрларни ўқиймиз:

“Вагарна қиблагоҳимнинг мулоқотига шойиқмен,
Вале бордир гина андек амак бирла тоғолардин”.

Бинобарин, юқорида Чархий домла зикр этган маълумотни назарга олсак, Фурқатнинг Қўқондан чиқиб кетишига етарли сабаблар борлиги аён бўлади.

Фурқат 1889 йилнинг ёз палласида Тошкентга келади. Бу ерда у каппонлик Мансур Қори билан танишиб, у орқали Мулла Тўйчи ҳофиз, унинг тоғалари, машҳур ҳофизлар Шожалил ва Шораҳим Шоумаровлар билан танишади. Тўйчи ҳофиз 1889 йилнинг куз фаслида уйланганида тўйида Фурқат ҳам иштирок этади. Кейинчалик Тўйчи ҳофиз билан Фурқат ўртасидаги дўстлик янада мустаҳкамланади. Фурқат ҳатто мулла Тўйчи ҳофизга бағишлаб қуйидаги мувашшах-ғазални ҳам ёзган экан:

Терму тоби бодадин рухсори ахмар устида?
Қатра-қатра ёки шабнамдур гули тар устида?

Ўсмалик қошлару ё шамшир қондин занглик?
Ё магар тоқи тўкулмиш ранги ахзар устида?

Йўз уза кокилмидур ҳар сори печтоби ила?
Ганч ҳуснингми ётур ё икки аждар устида?

Чеҳра очтингму бу тадбирла, чаманда толдилар,
Хаста булбул гул уза, қумри сановбар устида.

Икки нарғисинг солгай жаҳонга фитналар,
Бўлмаса урён қошингдин икки ханжар устида.

Хоки пойингни талошур кўзга эл сурмоқ учун,
Оре, ҳар ерда ҳужум айлар гадо зар устида.

Нозанин, сен ташла истиғнони, ҳуд бори гарон,
Ноз дебоси назокат халқ пайкар устида.

Фурқатий қошу кўзингдан фитналар кўрди, бали,
Шўриш ўлмоқ расмдур ой туғса ахтар устида.

Ғазалдаги биринчи мисраларнинг бош ҳарфлари териб чиқилса, “Тўйчихон” исми ҳосил бўлади. Фурқатнинг тошкентлик дўстларидан бири Дархон кўчасида истиқомат қилган пахтафуруш Исломхон деган киши бўлиб, шоир чет элга чиқиб кетиш арафасида бу дўсти исмига ҳам мувашшаҳ боғлаб ғазал ёзгани маълум.

Фурқат ўзининг Истанбулдан ёзган “Сабоға хитоб” номли шеърий мактубида:

“Кўкалдошга бориб сўр Хожи Аъзам,
Ул Аҳмад Хўжан юз бошини ҳам” —

деган мисраларни битган. Аҳмад Хўжа юзбоши ким бўлган? Маълум бўлишича, Фурқат Тошкентга келган дастлабки кунларда шу кишиникида турган. Бир муддат юзбошининг меҳмони бўлиб, сўнгра Кўкалдош мадрасасидан ҳужра олиб яшаган. Аҳмад юзбоши асли марғилонлик бўлиб, нима сабабдандир анча илгари Тошкентга келиб қолган ва Чорсу мавзесидаги маҳаллалардан бирига юзбошилик қилган. Фурқат бу кишига ҳам мувашшаҳ-ғазал бағишлаган.

Асирий чашми охуйи биёбон ўлди, бир менму?
Кўриб ойина ҳам ҳуснингни ҳайрон ўлди, бир менму?

Ҳазар қилма сари қуйингда мен ҳам айласам маскан,
Хатинг ҳизри муқими оби ҳайвон ўлди, бир менму?

Мазоки лаъли нобинг ҳасратида ғунча бемора,
Гулистон ичра бағри таҳ-батаҳ қон ўлди, бир менму?

Агар турмасдур ашким таъна қилманг ёр базмида,
Бу оқшом шамъи ҳам маҳфилда гирён ўлди, бир менму?

Дамодам қадди рухсоринг ғамида булбулу қумри,
Гулу савсар уза кўр, зору нолон ўлди, бир менму?

Нигоро, қуйма миннат жонима васл ичра деб Фурқат,
Жамии ошиқинг маъмуни эҳсон ўлди, бир менму?

Булардан бошқа ҳам Фурқатнинг Тошкентда жуда кўп дўстлари бўлганлиги маълум. Солиҳ ҳожи Иномжонов, Ҳадранинг Гугуртчи маҳалласидан тикувчи Ҳабиб ҳожи, Девонбеги маҳалласидан ҳофиз Абдулла Булбул, Дархон маҳалласидан Хонхўжа эшон, шайхонтоҳурлик чойхоначи Отахўжа, саҳичмонлик Абдулазизхон, чойхоначи Сиддиқ қори, тикувчи Муслимхон, шунингдек, Хўжахон муфти, Мирза Қосим, Мирмақсуд, Ҳожи Вали, Мирза Орифжон, Ҳошимхон тўра сингари улфатлари, ошнолари шоир Тошкентда мусофир сифатида яшаганда уни моддий, маънавий қувватлаб туришган.

1891 йилнинг 14 январида Фурқат Тошкентдан чет эл сафарига отланганда ҳам уни тошкентлик дўстлари кузатиб қолишган. Кейинчалик шоир “Сабоға хитоб” шеърий мактубида ўзининг тошкентлик йигирма саккиз нафар дўстларининг номларини келтиради.

Ўтган асрнинг эллигинчи йиллари ўрталарида Тошкентнинг Шайхонтоҳур мавзесидаги муҳташам сарҳовуз ёнида Парпи хўжа ака Отахўжаев исмли маърифатли қария истиқомат қиларди. Бир муддат у киши билан ҳамсуҳбат бўлганимда, Парпи хўжа ака араб имлосида ёзилган бир қўлёзмани кўрсатган эдилар. Юқоридаги фикрларни ўша кишининг ёрдамлари билан ёзиб олганман. Мувашшаҳлар ҳам ўша манбадан олинган. 1966 йилги ер қимирлашидан сўнг, Парпи хўжа аканинг хонадони ҳам бузилиб, бошқа жойга кўчиб кетгач, у киши билан бошқа дийдор кўриша олмадик. Ўша суҳбатда Парпи хўжа ака Фурқатнинг “Сабоға хитоб” мактубида тилга олган Ота хўжа ака оталари эканини айтганди.

Мўмин ҚАЮМ

Маънавият сабоқлари

ЁЗУВЧИЛИК ДОРИЛФУНУНИ — ҲАЁТ

Президентимизнинг Ёзувчилар уюшмаси фаолияти самарадорлигини ошириш ҳақидаги фикр-мулоҳазалари ижодкорларнинг айни кўнглидаги гап бўлди. Менга 1986 йилдан 1992 йилга қадар уюшмада адабий маслаҳатчи бўлиб ишлаш насиб этган. Мустабид тузум давридаги сохта ижодий муҳитдан хабардорлигим боис, бугунги ижодий эркинлик, давлат томонидан адабиёт аҳлига кўрсатилаётган эътиборни ҳар қадамда ҳис қиламан. Чиндан ҳам халқ маънавиятининг кўзгуси бўлмиш бадиий адабиётни янада ривожлантириш уюшма фаолиятининг самарадорлигини ошириш — замон талаби. Президентимизнинг: “Ҳозирги шиддат билан тез ўзгараётган замоннинг ўзи ўртага қўяётган кескин ва долзарб муаммоларни англаш, таъбир жоиз бўлса, давримизнинг бадиий солномасини яратишга ёзувчиларимиз қодирми? Мана шундай катта масалалар билан майдонга чиқиши керак бўлган Ёзувчилар уюшмасининг фаолияти бизни, аввало, шоир-адибларимизнинг ўзини қониқтирадими?”, деган саволларига “ҳа” деб жавоб бериш қийин. Сабаби бугун китобхон эътиборидан тушмайдиган юксак савиядаги асарлар ярата оляпмиз, замон қаҳрамонлари — фидойи юртдошларимиз, илғор ватандошларимизнинг ёрқин сиймоларини ўзига хос бадиий образларда кўрсата олаяпмиз, дея олмаймиз. Ваҳоланки, бу ижодкорларнинг ҳозирги кундаги энг долзарб вазифаси.

Юртбошимиз: “Бугунги мураккаб ва таҳликали замонда ёзувчининг башариятнинг эртанги кунини ўйлаб одамларни эзгуликка, инсоф-диёнат, меҳр-оқибат ва бағрикенгликка даъват этишга қаратилган ҳароратли сўзи ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда”, дея яна бир муҳим масалани ўртага ташладилар. Зеро, халққа тўғри йўлни кўрсатиш, унинг эртасини ўйлаб жон куйдириш ҳар бир ижодкорнинг бурчи. Тили ва дили бир бўлган ижодкоргина бугуннинг талабига жавоб бера олади. Замонамиз адибининг вазифаси фақат жилд-жилд китоб ёзиш эмас, халқнинг ичига кириб, унинг қувончу ташвишларини баҳам кўриш, оддий одамларнинг дунёқарашини кенгайтириш, билимини ошириш, уларни турли миш-мишлардан, ахборот бўҳронларидан ҳимоя қилиш, Ватанининг, эмин-эркин ҳаётнинг қадрига етишга ўргатишдан иборат.

Парвардигор берган улуғ неъмат — истеъдодни, Абдулла Қаҳҳор айтганидек, ўтин ёриш учун эмас, адабиётда янги сўз айтишга, халқни маънавиятга ундашга ишлатиш керак. “Менинг фикримча, ёзувчилик — бу оддий касб эмас. Худо берган истеъдоддир. Бу — қисмат, пешонага ёзилган тақдир. Бу касбга ҳеч қаерда ўқитиб, ўргатиб бўлмайди. Ёзувчиликнинг мактаби ҳам, дорилфунуни ҳам битта. У ҳам бўлса, бир умр ҳаётнинг ичида бўлиш, ўз халқи билан ҳамдарду ҳамнафас бўлиб яшаш, ҳақиқат ва адолатга садоқат билан хизмат қилишдир”, дейди Юртбошимиз.

Ижод чиндан ҳам ана шундай шарафли ва заҳматли, инсондан катта истеъдод ва фидойилик талаб қиладиган касб. Сохта шуҳрат ортидан қувиб, жилд-жилд китоб чиқараётган қаламкашнинг йўриғи бошқа. Афсуски, сафимизда бундайлар ҳам йўқ эмас. Лекин адабиёт осмонини ҳар доим буюк истеъдодлар ёритиб келган. Ҳақиқий истеъдод миллат хазинасидир, давлат бойлигидир, деб бежиз айтишмаган. Истеъдод тарбияси — миллат тарбияси. Миллатнинг гули бўлган ноёб иқтидорларни топиш, тарбиялаш, уларни қўрқмай катта-катта минбарларга олиб чиқиш, халқ орасига олиб кириш, ўз сўзини баралла айтишга рағбатлантириш учун муҳит яратиш устоз ижодкорларнинг, уюшманинг асосий вазифаси. Чунки эндигина қўлга қалам олган ёшлар, ўз вақтида рағбатлантирилмаса ўткинчи ҳою ҳавасларга берилиб ижоддан узоқлашиши мумкин. “Агар бу масаланинг моҳиятига тўғри етиб борилмаса, ялт этган ёш истеъдодга муносиб баҳо берилмаса, уни ижодий ишдан совутиб, қобилиятини сўндириб қўйиш ҳеч гап эмас. Бу эса гавҳарнинг қадрига етмасдан, худдики, уни тупроққа кўмиб қўйиш билан баробар десак, муболаға бўлмайди”, дейди Президентимиз. Чиндан ҳам, йўл-йўриққа муҳтож ёшларни маҳзун қалб кечинмаларига ортиқча берилмай, ижод миқёсини кенгроқ олишга, давр руҳини англаб, устозлар маҳоратини қунт билан ўзлаштиришга ўргатиш лозим.

Адабиётимизни вилоятларда яшаб ижод қиладиган адибларсиз тасаввур қилиб бўлмагандек, вилоятлардан етишиб чиқаётган ёш истеъдодларсиз адабиёт келажагини ҳам тасаввур этиб бўлмайди. Кўп иқтидорли ёшларимиз вилоятлардаги адабий тўгаракларда маҳоратларини ошириб, бугунги кунда пойтахтдаги марказий нашрларда фаолият кўрсатаётганликлари қувонарли ҳолдир. Бир таклифим бор. Ҳозирда вилоятларда ёш ижодкорларни жамлаган бир қатор адабий тўгараклар мавжуд. Ўз атрофига истеъдодли ёшларни бирлаштирган мазкур тўгараклар республикага ҳам танилиб бормоқда. Фаолият кўрсатаёган шундай фаол тўгараклар-нинг иш тажрибасини мамлакатга ёйиш, зарур бўлса, Ёзувчилар уюшмасининг Дўрмондаги ижод боғида вилоятлардаги шундай ёшлар тўгаракларининг беллашув-мушоираларини ташкил этиш даркор. Бу тадбир ёш ижодкорлардан ташкил топган ижодий жамоаларни янада бир-бирига яқинлаштиради. Ғолиб ёшларнинг ўз иқтидорига ишончи ортади.

Гап ёш истеъдодлар тарбияси хусусида кетаётган экан, ўзим раҳбарлик қилаётган Ёзувчилар уюшмаси Марғилон шаҳар шўъбаси ҳамда Марғилон шаҳар болалар ижодий маркази қошида ўн йилдан буён фаолият кўрсатаётган Жаҳон отин Увайсий адабий тўгараги тажрибасидан икки оғиз сўзласам. Бу маскандаги мунтазам ва қизғин ижодий машғулотлар, мушоиралар, баҳс-мунозаралар, устоз адиблар билан мулоқотлар марғилонлик истеъдодли ёшларнинг униб-ўсишида омил бўлмоқда. Бугунги кунда ушбу тўгаракда таҳсил олган Дилфуза Содиқова, Наргиза Охунова, Нилуфар Абдуғаниева каби ёш ижодкорлар Зулфия номидаги республика давлат мукофотига сазовор бўлдилар. Ушбу тўгарак иштирокчиларидан республика ёш қаламкашларининг “Келажак овози”, “Янги авлод”, “Нафосат” кўрик-танловлари ғолиблари етишиб чиқди. Яқинда Андижонда ўтказилган “Шаҳрихонсой мавжлари” ёш ижодкорлар кўрик-танловида ҳам тўгаракнинг уч нафар аъзоси муваффақиятли қатнашди. Уч нафар ёш истеъдод соҳиблари Миллий университет қошидаги Олий адабиёт курсини тугатиб, матбуотда ўз ижод намуналари билан қатнашиб келмоқда. Тўгарак ёш қаламкашларининг ўн бешга яқин илк шеърий тўпламлари нашр этилди.

Мустақиллигимизнинг 18 йиллиги арафасида ана шундай истеъдодлардан бири, фарғоналик Энахон Сиддиқованинг юксак мукофот “Эл-юрт ҳурмати” ордени билан тақдирланиши муҳтарам Юртбошимизнинг биз ёзувчиларга, хусусан, фарғоналик қаламкашларга билдирган чинакам ишончининг тимсолидир.

Ёзувчиларга бу каби эътибор адабиётимизда янги бир юксалиш даври бошланаётганидан, қўлига энди қалам олган ёшлар ва уларнинг устозларига катта масъулият юкланганлигидан далолат беради.

Исмоил МАҲМУД

Марғилон

ШИРИНСУХАНЛАР ГУРУНГИ

Профессор Ҳамидулла Акбаров ҳикоя қилади

Саратоннинг жазирама иссиқ кунлари отам Юнус Ражабий билан бирга узоқ сафарга отланиб қоларди. Ёз чилласини Кисловодск ёки Ялтадаги «Ўзбекистон» санаторийсида ўтказишни афзал билиб, аввалдан тараддуд кўришарди. Халқ мусиқасига оид кўпгина манбалар, қўлёзма ва оддий оқ қоғозлар боғлами билан бирга девзира гуруч, зира, янчилган райҳон ҳам эсдан чиқмасди. Юнус ака, айниқса, жамбилни яхши кўрарди. "Суюқ овқатларга маза киритадиган жамбил бўлади», деб хушбўй кўкатни кўтариб келганларида ҳайрон бўлардик: дам олишга кетишяптими булар ёки ишлашгами? Шундай тараддуд кунларининг бирида Юнус ака кириб келдилар.

Ўша куни лаззатли таомдан кейин қайнаб турган самовар хонтахтадан ўрин олди. Онамиз грузин чойини дамлаб, катта пиёлаларда узатаётганларида Юнус ака гап бошладилар:

— Бизда куй, оҳанг, катта ашулалар нотасиз ҳам авлоддан авлодга ўтиб келаверган. Европада нота, бизда танбур чизиғи пайдо бўлиб, маълум ва машҳур куйлар қоғозга туширилади-диган бўлди. Комил Хоразмийга қойил қоламан: анча мураккаб «Рост» мақомини ўзи ихтиро қилган усулда муҳрлаб қолдирган-а! Ишини охирига етказмаган бўлса-да, йўл кўрсатилган...

— Ўзингиз яхши билган Виктор Успенский Фитратнинг таклифи билан Бухорога бориб, мақомни нотага туширган, — дедилар отам. — 1925 йили уни Москвада нашр ҳам қилган. Ҳиндистонда рақамли тизим қўлланишини биламан. Лекин бизда нота ёзувини жорий этиш осон бўлмаяпти.

Биз Виктор Успенский билан бирга ҳофиз ва соз устаси Шоҳиҳим акадан Тошкент ва Фарғона мақомини ёзиб олганмиз. Бунинг учун ҳамкасб дўстлари Шоҳиҳим акани кофирга чиқариб қўйишган...

Кейин онамиз Ҳафияхон Муҳамедова Юнус аканинг шу воқеа тафсилотига доир саволига жавоб бераётиб шундай гап бошладилар:

— Юнус ака, шу воқеани Лутфихоним Саримсоқовага ҳам айтиб берган эдик. Ая ўша кезлари Андижонда истиқомат қилардилар. Учрашганимизда ўйин-кулги ҳам бўлди, тортишув ҳам. Биз Шоҳиҳим ота Шоумаровдан «Дугоҳ Ҳусайн», «Баёт», «Чоргоҳ», «Шаҳнози Гулёр» ёзиб олинганини айтганимизда, суҳбатдошимиз ҳайрон бўлиб, «Мақомнинг ўзи ҳам, ижроси ҳам мураккаб. Уни ёзиб олиш ундан ҳам қийин бўлгандир?», деб таажжубланди. Ая ишонқирамай, патнис устидаги нота белгиларига тикилиб қолганди...

«Баланд мачит»даги мусиқа билим юртининг катта хонасида тортишув, ҳатто даҳанаки жанг бўлиб, Шоҳиҳим танбурчини, ҳофизни имонсизга чиқариб қўйишларига сал қолди. Саҳнага чиқиб олиб, қўлини пахса қилиб гапираётган бир нотиқнинг олдига Виктор Успенский Шоҳиҳим отани бошлаб чиқди-да шундай деди: «Ҳозир Шашмақомнинг сиз танлаган айтим йўлларидан бирини Шоҳиҳим созанда ва хонанда сифатида ижро этади, мен уни айни бир вақтда ёзиб оламан. Ижродан кейин Шоҳиҳимга жавоб берамизда мен мана бу пианинода ўша куйни чалиб бераман». Ҳамма ҳайрон бўлиб созандага қараб қолди. У Шашмақомдан олинган парчаларни аста чала бошлади. Виктор Успенский ёзишга улгуряптими-йўқми, дея унга тез-тез қараб қўяр, ишора қилар, айрим мусиқа жумлаларини қайта ижро этарди... Ижро ниҳоясига етгач, созанда саҳнани тарк этди. В.Успенский эса ҳозиргина ўзи ёзиб олган куйларни завқ-шавқ билан ижро этди. Йиғилганлар ҳанг-манг бўлиб қолдилар... Шоҳиҳим отадан узр сўрагандек бўлиб тарқалдилар.

* * *

Уйимизга келган меҳмонларнинг аксарияти мусиқага у ёки бу даражада алоқадор бўларди. Улар фақат суҳбатлар, хотиралар, ҳикоялар билан чекланмай, ўзларидаги қобилиятни ишга солардилар. Балетмейстер, халқ артисти Исаҳор Оқилов баъзан кичкинагина ҳовлимизни обод этиб шунақанги рақс тушар эдики, йиғилганлар ўринларидан туриб кетар, кимдир қарсак чалиб, бошқалар ўртага тушиб уста раққосга шерик бўларди... Бастакор, созанда Набижон Ҳасанов эса кўпроқ сукут сақлар, ўзлари жажжи темир қафасда олиб келган саъванинг уйимиздаги қушчалар билан ўзаро товуш беришини тинглаб ўтирардилар. Қайтаётганларида арзанда қушчаларини бизнинг сайроқилар катагига қўйиб юборар ёки у ердан бир жуфтини олиб кетардилар...

Манас Левиев — композитор, ажойиб инсон — 60 ёшига қадар уйланмай, меҳрини, эҳтиросини мусиқага бағишлаб юрар, телеэкранда Луиза Зокирова пайдо бўлиб «Наманганнинг олмаси»ни айтганда, айниқса, нозик қочиримлар йирик планда намойиш этилаётганида (унга «боқий куёв» деб ҳам мурожаат этишарди) телеэкран ёнига югуриб келар, «Карим акангни қизи, чиройли қизи, талантли қизи» деб куй оҳангига рақс тушиб кетарди.

Онамиз кўпинча пианино ёнида ҳикоя қилардилар. Бир сафар Сора Эшонтўраева ҳамда бошқа мактабдошлари билан учрашувларни тилга олдилар. Бирга ўқиб, бир-бирларига меҳрлари тушиб қолганиданми, ўтган асрнинг 80-йилларига қадар мактабдаги дугоналар мунтазам учрашиб туришарди. Композитор Ҳафия Муҳамедова Сора опанинг монологларини мусиқа орқали изоҳлар эдилар. Пианино ёнига бориб, бироз ғамгин куйларни чала бошлаганларида, Дездемонанинг фожиаси, Офелиянинг драмаси сўз билан лирик оҳангда, шеърий мисраларни эслатувчи жумлалар билан таҳлил қилинарди. Куйлар Сора опа саҳнада ифода этган руҳий ҳолатларга жўр бўларди. Гулининг («Алишер Навоий» спектакли) кучли муҳаббати, Жамиланинг («Бой ила хизматчи») садоқати, иродасининг Сора опа талқинидаги кўринишлари кўпроқ фортепиано тараатаётган садолар, маъюс (лекин йиғлоқи эмас!) тароналар қўмагида ўтирганларга етказиларди. Ҳафия Муҳамедованинг дилга яқин куйлари янграб, кўни-қўшниларни ҳам хонадонимизга чорларди. Ҳаётий ижро, унга жўр бўладиган жисмоний ҳаракат баландпарвоз сўзларга, бақирув-чақирувга, нигоҳларнинг кескин ўзгариб туришига, бўрттирилган имо-ишорага муҳтож эмас экан. Жумладан, Сора Эшонтўраеванинг қаҳрамонлари заҳар ичганида ҳам, ўлим тўшагида ётганида ҳам қайғу, мотамни ифода этувчи куйни чалмадилар. Сора опанинг саҳнадаги нозик табиатли «дугоналари» унсиз йиғлаши, ушалмаган орзулари мусиқада ҳам мужассам бўлишини кўзлаб куй танлаган эканлар. Актриса мусиқани севишини, унда куй ижроси ритмида ҳаракат қилиш қобилияти мавжудлигини, куй кўмагида ҳолатга кириш ташвишида бўлишини ўша кунлари пианино ёнидаги суҳбатларда англай бошладим. Биз ёш тингловчиларга ҳам мусиқанинг жонли ижроси кўмаклашди. Сора опа Гули образи ҳақида сўзлаганларида, албатта, «Талқини баёт»ни тилга олардилар:

— Берта Давидовани радио уйидан фақат шу ашулани айтиш учун олиб келишарди. Хонанда саҳнага чиқмасди. Саҳна ортида «Талқини баёт»ни шунақанги ҳис-туйғу билан айтардики, Олим ака Навоийнинг Астрабоддаги ҳолатига руҳан тез киришиб кетарди. Саҳнада танҳо қолиб, фироқ ўтида ёнаётган шоирнинг руҳий ҳолатига киришида машҳур куйнинг хизмати катта бўларди.

Яна ширинсуханлар гурунгига қайтсак. Иброҳим ҳамда Рашид Ҳамроевлар уйимизга шапка кийиб келганларида, отамиз бир воқеани айтиб, барчани кулдирган эдилар:

— Мунавварқори дарс берганларида бир йигит шапка кийиб келарди-ю, уни ҳеч ечмасди. Бир куни Қори ака шогирдини тахта (доска) ёнига чақирди-да шундай деди: «Қўлингизга бўр олингда ёзинг: ўзбек боласига шапка ярашмас». Синфдошимиз нима қиларини билмай қолди. Кейин шапкасини ечиб, Қори ака айтган жумлани ёза бошлади. Синфда кўтарилган кулги бошқа хоналарга ҳам етиб борибди. Шу-шу ҳалиги «ўзбек боласи» шапка ўрнига тахи бузилмаган Қўқон дўппи кийиб келадиган бўлди.

Бу ҳикояни эшитган Ҳамроевлар кулишга кулдилару, лекин анчагача шапкаларини ташламадилар. Шапка майлику-я, анча жиддий масалалар юзасидан мулоҳаза қилганларида ҳам ўша авлод кулгига, ҳазилга ўрин топар, шу йўл билан ижод аҳлининг иззат нафсига тегмай киноя қилишни жойига қўярдилар.

Бўйдоқ Манас Левиев ҳамкасб дўстлари Мутал Бурхонов, Сулаймон Юдаковни турмуш қуришга даъват этар, «икки нозанинни топиб қўйдим, бир кунда тўй қилиб, икки композиторнинг бошини иккита, кечирасиз, тўртта қилиб қўямиз» деб «Тўйлар муборак»ни айтар, маликалар таърифини келтирарди. Кейин жиддий оҳангда «Икром кўп ёзади, Мутаваккил ҳеч ёзмайди» деб И.Акбаров ҳамда М.Бурҳоновни танқид қилгандек бўлганида «Ўзингиз-чи? Ўзингиз кўп ёзасизми?» деб сўрашди. Манас ака: «Мен мавлоно Алишер Навоий олдидаги қарзимни узиб олай, кейин саволингизга жавоб бераман», деганди. Бунда у «Сухайл ва Мехри» балетининг ёзилишини, йиллар ўтиб унинг янги мусиқий таҳririни таъминлаш жараёнини назарда тутганди.

Манас ака каттароқ даврада сўз айтмоқчи бўлганида «тезислари»ни араб алифбосида қоғозга ёзиб оларди. Матнни бир-икки ўқиб чиқарди ҳам. Дўстлари энг нозик пайтда ўша «шпаргалкани» олиб қўяр, нотиқ калаванинг учини йўқотиб қўйиб, гапи қовушмай қолганда, мириқиб кулишарди. Уйимизда отамиз фахрли унвон олиши муносабати билан дастурхон ёзилган куни ҳам «моҳир олиб борувчи» Манас Левиев кутилмаган воқеага дуч келган ва вазиятга қараб ўзи тайёрлаган «сценарийга» ўзгартиш киритганди.

Тантана авжига чиқиб Юнус Ражабий «Қаро кўзум»ни тугаллаши арафасида даврага Мутал ака кириб келди. Қават-қават қоғозга ўралган, ранг-баранг иплар билан боғланган, хонтахтадан каттароқ бир буюмни тўрт киши аранг кўтариб, раққосалар ўйнаётган майдонга олиб келиб қўйди. Биринчи тугунни Мутал ака осонгина, куп-кула ечдилар-да, шогирдларига «Буёғини ўзингиз қойил қилинг!» деб четга чиқиб турдилар. Кулгидан ўзларини тўхтата олмадилар. Ўнлаб тугунлар ечилди. Қават-қават қоғозлар бир чеккага тахлаб қўйилди. Қалин қоғоз-картондан ясалган қутилар ичидан янги — кичикроқ қутичалар чиқаверди. Охири уларнинг биридан икки тирик хўроз чиқиб келди. Бўлди ҳангома! Шунда ҳазилидан ниҳоятда мамнун Мутаваккил Бурҳонов чапак чалиб, қаҳқаҳа уриб кулиб юборганди.

Бу воқеани кейинчалик профессор Наим Каримовга айтиб берганимизда, у киши шундай деганлар:

— Лоҳутий Мутал Бурҳоновга қилган ҳазилига ўхшатма қилган эканда! Мутал ака «мишка косолапый» конфетини ёқтиришини билган Абулқосим Лоҳутий дўстига қизиқ совға тайёрлаган. Икки жуфт «мишка косолапый» конфетини 15-20 қават қоғозга ўрабчирмаб, сариқ тасма билан капалак нусха қилиб боғлаб, таваллуд кунини нишонлаётган дўстига берган. Йиғилганлар кўз ўнгида қоғоз кетидан қоғоз чиқаверган...

Сурат муаллиф архивидан олинди. (1930-йиллар)

САНЪАТ ҚАЛДИРҒОЧЛАРИ

Мамлакатимиз мустақиллигининг 18 йиллиги, Тошкентнинг 2200 йиллиги муносабати билан кўплаб эзгу ишлар амалга оширилди. Барча соҳаларда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, улкан бунёдкорлик ишлари юртимизнинг янада юксалишига замин яратмоқда.

Республика ихтисослаштирилган санъат мактаб-интернатида ҳам бу қутлуғ саналарга тайёргарлик анча олдин бошланган. 2008 йили Тасвирий санъат галереясида «Deloitte» компанияси билан ҳамкорликда Тошкентнинг 2200 йиллигига бағишлаб ўтказилган «Мен орзу қилган шаҳар» танлови фикримиз далилидир. Танловда иқтидорли ўқувчиларнинг Тошкент манзаралари тасвирланган асарлари намойиш этилганди. Мактаб-интернатнинг 6-синф ўқувчиси Малика Хидирова «Томошабин эътирофи» совринига лойиқ топилган эди.

— Мустақилликнинг муборак санаси, Тошкентнинг қутлуғ ёшини нишонлаш билан бир қаторда мактабнинг 80 йиллигини муносиб қаршилаш тараддудидамиз, — дейди мактаб-интернат директори Соми Содиқов. — Қутлуғ саналар муносабати билан Ўзбекистон Бадиий академиясининг кўргазмалар залида ёшига қараб уч гуруҳга ажратилган иқтидорли ўқувчиларнинг кўргазмасини ташкил этиш режалаштирилган. Бундан ташқари, Ўзбекистон давлат консерваториясида мактабимизнинг саксон йиллиги нишонланади. Унда мусиқа бўлими ўқувчилари иштирокида концерт дастури намойиш этилади. Кўргазма ғолибларини тақдирлаш ҳам шу куни бўлиб ўтади. «Республика санъат мактаби» номи билан чоп этилаётган китоб байрамларга муносиб тўёнадир.

Ўзининг илк шаклланиш даврида «20-болалар уйи» ҳисобланган даргоҳ йиллар ўтиб кўп ўзгаришларни бошидан кечирди. Ўтган асрнинг 50-60-йилларида унинг негизида Республика махсус мактаб-интернати ташкил топди. Аммо ҳақиқий маънода бу илм даргоҳи мустақилликдан кейин ривожланиш ва юксалиш палласига кирди. 1997 йили Ўзбекистон Бадиий академияси ташкил этилиши муносабати билан мактаб унинг тасарруфига ўтказилди. Шу кундан бошлаб мактаб тарихида янги саҳифа очилди. Мусиқа ва рассомлик бўйича профессионал билим бериш билан бир қаторда, болалар ижодини нафақат республикада, балки хориж мамлакатларида ҳам тарғиб қилиш имкони туғилди.

— Мактаб ўқувчиларининг юксак маҳорат даражаси уларга республика ва халқаро танловларда иштирок этиш имконини беради, — дейди мактаб директори. — Айни пайтда ўқув масканида республиканинг барча вилоятларидан келган 600га яқин ўқувчилар рассомлик ва мусиқа санъати сирларини ўзлаштирмоқда.

Асосийси, мактаб анъаналарига содиқ қолган ўқувчилар турли халқаро танловларда ватанимиз шаънини ҳимоя қилмоқда. Ўқувчиларнинг 70 дан ортиғи Ҳиндистон, Швейцария, Япония, Чехия, Миср, Россия, Бангладеш, Полша, шунингдек, Олимпия қўмитаси ва ЮНЕСКО томонидан ташкил этилган халқаро болалар расмлари танловида совриндор бўлишган. Бир гуруҳ иқтидор эгалари эса ижодий сафар билан АҚШ, Италия, Голландия ва Франция давлатларида бўлиб қайтишган. Мактаб-интернатнинг «Истеъдод» дуторчи қизлар ансамбли Симферополда ўтказилган «Синяя птица» халқаро танловида тўртта асосий мукофотни қўлга киритишди. Ансамблнинг бадиий раҳбари, халқ таълими аълочиси Насиба Содиқова мазкур танловнинг «Энг яхши ўқитувчи» фахрий дипломи билан тақдирланди. Ансамбл 2005, 2007 йилларда «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалида, 2006 йили «Янги авлод» республика фестивалида ҳам муваффақиятли иштирок этди.

Мактабнинг собиқ битирувчилари Юнус Ёрмуҳамедов, Тоир Зоиров, Владимир Швиллилар Буюк Британия, Голландия, Италия каби давлатларда самарали ижод қилиб, ўзбек санъатини дунёга танитмоқдалар.

Гулрух ЭРГАШЕВА

Маданий ҳаёт

Яқинда "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси ташаббуси билан Ўзбекистон Бадиий академиясининг кўргазмалар залида ёш рассомлар Шуҳрат Рихсибоев ва Акбар Мирзаакрамовларнинг илк шахсий кўргазмаси бўлиб ўтди. Кўргазмадан кўзланган мақсад, тасвирий санъат оламида иқтидорли ёшларни аниқлаш, уларнинг санъат ҳамда бадиий ижодга бўлган қизиқишларини янада ошириш ва мустаҳкамлашдан иборат.

Санъатга эндигина қадам қўяётган бу икки ёш ижодкор кўплаб кўрик-танловларда муваффақиятли иштирок этиб келмоқдалар. Ш.Рихсибоев ёшлар ўртасида ўтказилган тасвирий санъат йўналишидаги танловларда фахрли ўринларни қўлга киритган. А.Мирзаакрамов 2008 йили "Соғлом авлод учун" жамғармасининг "Ер куррасида тинчлик" республика расмлар кўрик-танлови ғолиби, мазкур танловнинг 2009 йилги олий даражали дипломи соҳибидир.

Ёш рассомлар яратган Ватанни мадҳ этувчи асарлар байрам кунларида санъат ихлосмандларига байрамона кайфият улашди.

«МОЗИЙДАН САДО»



«Мозийдан садо» журналининг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 18 йиллиги ҳамда Тошкентнинг 2200 йиллигига бағишланган 3-сони босмадан чиқди.

Журнал академик Э.Ртвеладзенинг «Тошкент. Тарих йўлларида» мақоласи билан очилади. Ушбу мақолада Тошкент тарихининг қадимги ва илк ўрта аср даври ҳамда турли вақтларга оид қадимшунослик ёдгорликлари, Тошкент ҳудудида шаҳар ҳаётининг юзага келиши, тикланиши ва ривожланиши тўғрисида маълумот берилади.

Шодмон Ҳусайнзоданинг «XIX аср Тошкент ҳукмдорлари» мақоласидан эса XVIII асрнинг ўрталарида тўрт даҳага бўлинган Тошкент шаҳри ҳокимлари ҳақида батафсил маълумот олиш мумкин.

Бахтиёр Эргашевнинг «Ҳужжатларда Тошкент шаҳри тарихи» ҳамда Неъмат Полвоновнинг «XIX аср охири — XX аср бошларида Тошкент аҳолиси» мақолаларида шаҳар тарихига оид маълумотлар, аҳоли таркиби, асосий меҳнат турлари ҳақида ҳикоя қилинади.

«Тошкентнинг бадиий маданияти» мақоласида академик Акбар Ҳакимов Тошкентнинг шаҳарсозлиги ва меъморчилиги, тасвирий санъати, мусиқа маданияти, театр ва кино санъати ҳақида маълумот беради.

Равшан Мансуровнинг «Қайта қад кўтарган обидалар» мақоласи Тошкент ҳудудида жойлашган мақбара, мадраса, масжид ҳамда меъморий ёдгорликлар ҳақида.

Баҳодир Нурмуҳаммад ва Лариса Левтееванинг мақолаларида Тошкент шаҳрида фаолият юритаётган музейлар ҳамда уй-музейлари ҳақида гап боради. Баҳодир Каримнинг «Шаҳарнинг маънавий кўрки» мақоласи эса Ўзбекистон Миллий университети тарихига бағишланган.

Озарбойжон Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги элчихонаси иккинчи котиби Сабуҳи Аҳмедовнинг «Амир Темур ва Озарбойжон» мақоласида буюк бобокалонимизнинг Озарбойжонда олиб борган яратувчилик ва бунёдкорлик ишлари ҳақида ҳикоя қилинади.

Камол Матёқубовнинг «Тошкент бозорлари» мақоласида бозорларнинг келиб чиқиши, ҳунармандчилик ҳамда савдо-сотиқнинг ривожланиши ҳақида батафсил маълумот берилган. Татьяна Седихнинг «Қалб хотираси» мақоласи композитор ва моҳир кларнетчи Шавкат Эсонбоев ҳаёти ва ижодий фаолиятига бағишланган.

Азиза АЪЗАМХЎЖАЕВА

Эски шаҳарнинг мозийни эслатиб турувчи қинғир-қийшиқ, жинкўчалари, Ҳазрати Имом мажмуасининг олдинги ва бугунги кўриниши, умуман, пойтахтдаги обидалар, Тошкентнинг ўтмишдаги ва бугунги кўриниши, пойтахтимизда илгари ва ҳозир истиқомат қилаётган одамларнинг қиёфалари, турмуш тарзлари... Агар мана шуларнинг барчасини бирйўла кўрмоқчи бўлсангиз, пойтахтимизда кейинги йилларда қад кўтарган кўркам гўшалардан бири — Тасвирий санъат галереясига ташриф буюринг.

Куни кеча бу ерда Тошкентнинг 2200 йиллигига бағишланган «Гўзал Тошкентим» танлов-кўргазмаси очилди.

ТОШКЕНТ: «ЭСКИ ШАҲАР»ДАН АНЖУМАНЛАР САРОЙИГАЧА

Маълумки, Бадиий академия ва Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки Тасвирий санъат галереяси пойтахтимиз юбилейига бағишлаб энг сара тасвирий санъат асарлари танловини эълон қилганди. Ўтган вақт мобайнида танлов ҳайъатига 250 дан зиёд рангтасвир ва графика асарлари келиб тушди. Шуниси қувонарлики, танловда Ж.Умарбеков, А.Мирзаев, М.Содиқов, М.Кагаров, Ж.Усмонов, Х.Зиёхонов каби таниқли рассомлар қатори, Н.Мирсолиҳова, А.Дворцис, Х.Иброҳимов, У.Саидов каби ижод йўлини эндигина бошлаган ёш истеъдод эгалари ҳам қатнашдилар.

«Бундай танловни ташкил этишдан асосий мақсад, — деди санъатшунослик фанлари доктори Камола Оқилова, — аввало Тошкент ҳақида тасвирий санъатнинг барча тур ва жанрларида янги ишларнинг яратилишига эришиш, рассомларнинг ижодий изланишларини фаоллаштириш ҳамда кенг жамоатчиликни пойтахтимиз тарихи ва бугунининг турли кўринишлари билан таништиришдир».

Танловнинг қизиқарли ўтиши учун тарихий-меъморий обидалар, замонавий тошкентликлар портретлари, пойтахт байрамлари ва кундалик ҳаёти ҳамда "Тошкент анъаналар ва маданият чорраҳаси" каби йўналишларда мукофотлар таъсис этилди. Муҳими, кўргазмага қўйилган ҳар бир асар машаққатли ижодий изланишлар, чуқур тафаккур намунаси сифатида эътиборлидир.

Суратларни кўздан кечирган одам Тошкент ижодкорларга ҳамиша илҳом бағишловчи гўзал замин эканига яна бир карра амин бўлади. Таниқли рассом Хуршид Зиёхонов таассуротлари ҳақида сўзлаб берди: «Кўргазмага қўйилган ҳар бир асар Тошкентга битилган қасида, дейиш мумкин. Менга Жавлон аканинг Кайковус ариғига бағишланган асарлари жуда ёқди. Намойиш этилаётган асарларда тарих ҳам бор, тақдир ҳам бор, бугунги турмушимиз ҳам ўз аксини топган. Шахсан ўзим аввал бошдаёқ танловда тошкентликлар — замондошларим ҳақидаги асарлар билан қатнашишни ният қилиб қўйгандим. Ишларим мукофотга лойиқ топилганидан хурсандман.

Суратларни кўздан кечириб, шуни англадимки, пойтахтимиз тарихини акс эттиришда биз рассомлар ҳали катта йўлнинг бошланишида турибмиз. 2200 йил ҳазилакам тарих эмас. Қадимқадимларда пойтахтнинг қандай бўлганини бугунги томошабинга етказиш учун Тошкент ҳақида манбалар, афсона ва ривоятлар етарли. Ана шуларнинг энг яхшиларини саралаб, гўзал тарихий асарлар яратиш мумкин. Эҳтимол, ўзим ҳам бу мавзуга мурожаат этарман».

Шу куни танловда қатнашган энг яхши ижодий ишлар муаллифлари Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Бадиий академия, «Камолот»нинг шаҳар бўлими томонидан совринлар билан тақдирландилар, энг сара ишлар Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки томонидан нашр этилган кўргазма каталогига киритилди.

Мукофотланганлар орасида Ж.Умарбеков, Х.Зиёхонов, Мария Ли-Сафи, Ж.Усмонов, Ш.Ҳакимов, Ҳ.Иброҳимов, М.Содиқов, М.Холов, Э.Машарипов, И.Баҳромов, У.Саидов, А.Дворцис, П.Гузев, Н.Мирсолиҳова каби юртимизнинг таниқли ва ёш рассомлари бор.

Г.ФАЙЗИЕВА

ЎРТАЁПЛИК РАҲИМБОЙ

Таниқ ув



Ўртаёп Қўшқўприк туманидаги сўлим қишлоқлардан бири. Раҳимбой Жуманиёзовнинг отаболари шу қишлоқда ўсиб-унишган. Унинг катта бобоси нафаси ўткир Вапо ҳофиз то ҳануз тиллардан тушмайди. Вапо ҳофизнинг ўғли Хударган ҳофиз ҳам отаси ишининг давомчиси сифатида мақом хонишлари ила элни хурсанд этган. Ўғли Жуманиёз маҳсум мадраса таълимини олган. 1937 — 1938 йиллари бир муддат оиласи билан Ўртаёпдан қочиб, қўшни Туркманистон ҳудудида яшаган, қатағоннинг "дами қайтгач", қишлоғига келиб, деҳқончилик билан шуғуланган.

Деҳқончилик Жуманиёз отадан тўнғич ўғли Раззоқберганга мерос бўлиб ўтган. Раззоқ ота бутун умри давомида колхозда сувчилик қилди. Армия сафида хизмат қилаётганда мусиқачи аскарлар ҳавас қилиб, армиядан қайтиб уйлансам, ўғилларимнинг бирортаси созанда бўлармикан, дея орзу қилган. Ўн икки фарзанд кўрган бу одамнинг орзусини ўғли Раҳимбой амалга оширди. Раҳимбойнинг мурғак қалбидаги созга, қўшиққа меҳр шундай кўзларида акс этиб турарди.

Раззоқ ота ўғлидаги созга қизиқишдан юраги тўлқинланиб, у 1-синфга борганда номига омонат дафтарчаси очтириб, сувчилик даромадидан чегириб, пул ўтказа бошлайди. Роппа-роса ўн йил деганда Раҳимбойнинг омонат дафтарчасида 1000 сўм пул йиғилади. Раззоқ ота ана шу пулга маҳаллий устага тор сози ясаб беришни илтимос қилади. Уста Йўлдош торни ўзгача бир меҳр билан ясай бошлайди. Тор битгач, симларини тақиб чалиб кўрса, аввалгиларига ўхшамаган, ажабтовур оҳангдор тордан ҳайратга тушади. У бу ҳодисани тор сувчининг улуғ ният билан йиққан пулига ясалганига йўяди. Мактабдаги маданий тадбирларга қатнашиб, олқиш олиб юрган Раҳимбой учун бу жарангдор тор жуда катта совға бўлди.

Ушбу торнинг жарангдор овозига кўпгина устоз санъаткорлар ҳам қойил қолишган. Бу торни чалиб кўрган Ўзбекистон халқ артисти Олмахон Ҳайитова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Раҳматжон Қурбоновлар ҳам устанинг фикрини тасдиқлашган, торнинг жарангли сасидан ҳайратга тушганлар.

1993 йили Тошкент маданий оқартув техникумини тамомлаган Раҳимбой Қўшқўприк маданият уйи қошидаги "Юлдуз" ансамблига ишга киради. Унинг иқтидорини кўрган туман мутасаддилари тез орада шу ансамблга раҳбар этиб тайинлашади. Раҳимбой устозлари Самандар Болтаев, Бекчон Нурметов, Рустам Отажонов, Бектурди Машарипов, Қадам Аҳмедов билан ҳамфикр, ҳаммаслакликда ижод қилди, улардан кўп нарса ўрганди, ўқиб-ўрганиши эвазига халққа танила бошлади.

Раҳимбой энди санъат сирларини чуқурроқ эгаллашга, билим олишга интилади ва Навоий педагогика институтига ўқишга киради. Ўша йиллари республика телевидениеси орқали "Хониш", "Оҳанрабо", "Тараннум" кўрсатувларида Алишер Навоий ғазали билан "Кўнглум ўртансун", Мадраҳим Шерозий услубида айтган "Савти сувора", ўзи куй басталаган Чустийнинг "Донолар билан", Огаҳийнинг Навоийга муҳаммаси билан айтиладиган "Суворои комил" ва бошқа қўшиқлари мухлислар қалбидан жой олди. "Истиқлол", "Туркистон" саройларида томошабинлар ҳузуридаги чиқишлари унинг қўшиқчилик санъатида аста-секин маҳорат эгаллаётганидан далолат эди.

Раҳимбой Жуманиёзов камтар, адабли, меҳмондўст, оилапарвар санъаткор. Дил изҳорларини қўшиқ авжларида куйлаб келаётган ҳофизга ҳамиша омад ёр бўлишини тилаймиз. Қўлидаги отамерос таъвизий тори баланд пардаларда жарангласин, ота-боболар қолдирган улкан мусиқий меросни шогирдларига янада чуқурроқ ўргатиб, доим халқ меҳрини қозониб юриш насиб этсин, дейимиз.

Комил АВАЗ

ШЕЪРИЯТ — КЎНГИЛ ПОКЛИГИ

Китоблари чоп этилаётган муаллифлар, худди янги фарзанд кўргандай, босмахона бўёғи ҳали қуриб улгурмаган тўпламларини ўша куннинг ўзидаёқ таҳририятга олиб келишади. Кутубхонамиз ҳар ҳафтада йигирма-ўттиз номдаги турфа хил нашрлар билан бойиётгани қувонарли, албатта.

Совға қилинган китоблардан бирини ўқишга тутинаман. Бир ёш ҳамкасбимиз кўплаб таниқли ижодкорларга жиддий саволлар билан мурожаат этибди. Марҳамат, айрим жавоблар билан танишинг:

Китобингизни ўқидим

Абдулла ОРИПОВ: — Адабиёт бир жойда қотиб турмайди. Доим тараққиётда. Аруз вазни минг йиллар мобайнида адабиётимизга хизмат қилди. Ундан кейин бармоқ вазнига қадам қўйдик. Бармоқ ҳам аруз вазнига нисбатан модерн ҳисобланади. Лекин бу билан адабиётнинг "қон гуруҳи" ўзгариб қолмайди. Адабиёт ўқиш, ўқилиш учун яратилади. Шунинг учун қайси жанрда ёзмасин, ижодкорнинг кўз ўнгида даставвал китобхон туриши керак. Сийқа гапларни такрорлайвериш адабиётни обрўсизлантиради.

Усмон Носирнинг бир шеърига диққат қилинг:

Йўлчиман... Манзилим уфқдан нари,
Ложувард денгизнинг тубига яқин...

Ўз вақтида шу мисралардан ҳам қийиқ қидиришган: "Усмон Носир Америкага кетмоқчи экан-да...".

Мана бу байтга ҳам эътибор беринг:

Шеърим, яна ўзинг яхшисан,
Боққа кирсам, гуллар шарманда...

Бу шеърдан ҳам айб топишади: "Шоир шеърини совет гулларидан ҳам ортиқ яхши кўраркан".

Эркин ВОҲИДОВ: — Ҳамма гап истеъдодда. Истеъдод шундай нур, шуълаки, зах бурчакка тушса ҳам, уни ёритади. Бир вақтлар, туркий тилда шеър ёзиб бўлмайди, деган тўхтамга келинган. Шеър форс тилида ёзилиши керак, форс тили гўзал тил, туркий тил тиконга ўхшайди, бу тилда сўкиш, сўкиниш мумкин, бозорда савдо қилиш мумкин, деб ҳамма бир фикрга келган. Шунда Навоий, Фузулий турк тилининг назокатини очиб, шу гўзал тилда шеър кашф қилиб, истеъдодлари нури билан ёритганларидан кейин туркий тил ҳам ғоят гўзал тил эканини Абдураҳмон Жомий эътироф этган: "Навоий биз форс-тожик шоирларига раҳм-шафқат қилиб форсчада ёзмаган, туркчада ёзган. Агар Навоий "Хамса"ни форсчада ёзганида, биз бечораларга нима қоларди...".

Хуршид ДАВРОН: — Шеъриятдаги асосий мотивлардан бири — бу дард. Дард ҳамиша ёркин, инсоннинг кўнглини суғорадиган нарса. Лекин одамнинг ҳаётдан кўнгли қолса, бу энди дард эмас. Ҳаётдан норизолик қабилида ёзиладиган шеърларни шеър деб бўлмайди. Дард шундай бўлиши керакки, ҳаётга интилиш муҳаббат билан сақланиши зарур.

Маҳмуд ТОИР: — Менда истеъдод йўқ дейиш учун одамда истеъдод бўлиши керак, дейди улуғлар. Шоир қачонки ўзидан, яратган асаридан қониқиш ҳосил қилмаса, «Энг гўзал асарларимни ҳали ярата олганим йўқ», деган ўй билан ижод қилса, шунда буюкликка эриша оладими-йўқми, билмадиму, аммо виждони олдида юзи ёруғ бўлади.

Сирожиддин САЙИД: — Шеърият, ҳар ҳолда тўйхонага ечиб кириладиган, кейин уни хоҳлаган киши кийиб кетадиган пойафзал эмас. Абдулла акамиз: «Қани, тақсир, буёққа ўтинг-чи? Бу адабиёт бўлганидан кейин бунга оёққинани артиб кирилади», деган бир ҳикматли гапни айтган эдилар... Шеърият, шоирлик биринчи навбатда кўнгил поклиги, дил тозалиги...

Икром ОТАМУРОД: — Айтишларича, одамзод руҳий ва моддий унсурлардан таркиб топган. Шул сабабким, унда эзгулик ва ёвузлик ҳислари исталганча топилади. Агар одамзод канглуни тингласа, унда, албатта, иймон ўсади. Эзгулик, меҳр-муҳаббат ўсади. Ҳақлик ўсади. Ҳожа Аҳрор Вали айтганларидек: «Ичингда ҳақдин бир нимарса бўлсагина, ҳақ тўғрисида гапирсанг ва унга интилсанг бўлур», деган эътимод ўсади. Бордию кангулдан мосуво бўлинса-чи, унда яна бир аллома — Мавлавий Жунуний ўгитларида қайд этилган жиҳат пайдо бўлиши мумкин. Яъни: «Инсониятнинг учта улкан душмани бор. Биринчи душмани — нафс, икинчи душман — шайтон... Бу иккиси бирлашса, руҳ мамлакатини хароб қилади. Учинчи душман — жоҳиллик.

Эшқобил ШУКУР: — Мен фалсафий асарларни кўп ўқийман. Ўзимизнинг боболаримиз ижодидаги ва дунё мумтоз адабиётидаги фалсафа ва тафаккур билан боғлиқ жараёнлар мени бениҳоя қизиқтиради. Ҳаётдаги фалсафам айнан мана шу деб ҳеч нарсани айта олмайман. Мен ҳамма нарсадан ҳикмат излашни яхши кўраман. Балки ҳаётдаги фалсафам шудир.

Худойберди ТЎХТАБОЕВ: — Мен болалар ҳақида асар ёзишдан олдин асар қаҳрамони қайси ёшда эканлигини аниқлаб оламан. Кейин шу ёшдаги бола билан суҳбатлашаман. Унинг ички оламига шўнғиб кираман. Натижада боланинг тилини ўрганаман, унинг руҳиятини ўрганаман. Шундан кейингина ёзилиши керак бўлган асарни ёзишга киришаман. Ёзаётган пайтимда эса худди ўша бола (қаҳрамон)нинг ўзига айланаман. Ўзингиз бир ўйлаб кўринг, агар мен Ҳошимжон бўлолмасам, «Сариқ девни миниб»ни ёза олардимми...

Хуршид ДЎСТМУҲАММАД: — «Бозор адабиёти»... бу «адабиёт» Алишер Навоий, ундан олдин ўтган ижодкорлар замонидан буён мавжуд. Буни таъқиқлаб бўлмайди. Шу (санъат)нинг мухлислари бор эканки, фаолият юритяпти. Бу енгил, ўта жўн адабиётнинг санъатга, хусусан, сўз санъатига ҳеч қандай алоқаси йўқ. Шунингдек, бадҳазм, мураккаб типдаги адабиёт маҳсуллари борки, улар санъатнинг дурдона намуналари сифатида жаҳон миқёсида тан олинган. Марсел Прост, Камю, Кафка сингари адабиёт дарғаларининг асарлари шу тоифага мансубдир.

Шуниси аёнки, «Бозор адабиёти»нинг умри узоққа чўзилмайди.

Назар ЭШОНҚУЛ: — Адабиёт инсон ҳақида, инсоннинг дунёси ва қалби ҳақидаги фан. Шундан олинадиган сабоқ. Асар одам ҳақида, кўнгил ҳақида таълим беряптими — шу сабоқнинг ўзи етиб ортади. Ўз ҳикояларимни жудаям қоронғу, деб айтолмайман. Тўғри, бошқаларга нисбатан ғурбат, изтироб, одамга ачиниш нуқтаи назаридан, сиз айтгандай, мунгли бўлиб туюлиши мумкин. Лекин ҳар қандай мунгдан чиққан сабоқ — одамларга ачиниш, одам ҳақида қайғуриш ҳаёт ҳақида ўқувчининг маълум бир хулосага келиши — шуларнинг ўзи мен учун ёруғлик.

Қўчқор НОРҚОБИЛ: — ...Мен уларга (баъзи эстрада қўшиқчиларига) ачинаман. Йўқса саҳнага чиқиб, миллатнинг овози янграши лозим муқаддас даргоҳда бундай бачкана ва беҳаё қўшиқларни айтишмас эди. Энг ёмони, улар шуни санъат деб билишмокда. Ўта саёз шеърни қўшиқ қилиб қуйлаб, обрў топаман деб ўйлашади. "Миллий эстрада" ниқобига ўралиб олган саводсиз ёшлар, болалар онгига ўта жўн қўшиқларнинг сингиб қолишига сабабчи бўлишмоқда. Ўқ билан бир одамни ўлдириш мумкин, ёмон мафкура эса минглаб кишиларни ўлдиради, йўлдан адаштиради. Ахир, қўшиқ ҳам мафкура-ку. Ғарбдан тиқиштирилаётган ғоялар камлик қилаётгандай, шундоқ қина оёғимиз остидан потирлаб фалокат чиқиб турганига қандай чидаш мумкин? Мен бачкана қўшиқлар муаллифини ҳам, уни куйловчини ҳам оёқ остидан чиққан фалокатга ўхшатаман...

Бири биридан эътиборли, куюнчаклик билан айтилган фикрлар. Уларни адабиётшунос олим Наим Каримов таъбири билан айтганда, "шеърият оламига, адабиётга ўз диди, қарашлари ва изланишлари билан кириб келаётган ёш шоир" Умид Алининг яқинда "Янги аср авлоди" нашриётида чоп этилган "Кўнгилга сайр" тўпламига жамланган адабий суҳбатларида ўқидим.

Ушбу суҳбатларни мутолаа қилар экансиз, адабиёт, шеърият олами, ижодкорнинг руҳий дунёси, дарди, ҳис-туйғулари, Ватан, халқ, жамият олдидаги бурчи тўғрисидаги тасаввурингиз бугунги адабий жараённинг фаол иштирокчилари бўлмиш кўплаб устоз шоир-ёзувчиларнинг ҳамда ўрта ва кенжа бўғинга мансуб қаламкашларнинг фикр-мулоҳазалари таъсирида янада бойийди. Муҳими, Умид Алининг ўзи ҳам, савол берувчигина эмас, ижодкор сифатида суҳбатдан-суҳбатга улғайиб боради, баҳс мавзуларини янада теран идрок этишга ҳаракат қилади. Эътиборимни тортгани, Умид Али номдор адиблар олдида шошиб, фикрини йўқотиб қўймайди, аксинча, бу энди унинг ҳар бир суҳбатга жиддий тайёргарлик кўрганидан бўлса керак, суҳбатдошини эркин ва дадил фикрлашга, мулоҳазаларини очиқ айтишга даъват этади.

Ушбу суҳбатлар кейинги икки-уч йил ичида, кўплар "Тижорат йўналишидаги", бошқа бировлар эса "замонавий йўналишдаги" нашр деб атаётган "Бекажон" газетасида эълон қилинган. Қандай бўлганда ҳам, унинг саҳифаларида бундай ўқишли, эътиборга молик суҳбатларнинг чоп этилиши жиддий адабиёт мухлисларини, шубҳасиз, хурсанд қилади.

Яқинда бир ҳофиз "аёл қирқ ёшида ростмана аёл бўлади", деган маънода қўшиқ куйлаб қолди. "Бекажон" етти ёшидаёқ анча улғайибди, сўзи тиниқлаша бошлабди. Унинг саҳифаларидаги бошқа мақолалар, хусусан, санъаткорларнинг шахсий ҳаётига доир хабарлар, саргузашт қиссалар ҳам, қани энди, мана шундай жиддий маъно касб этса. Шундай бўлишини жуда-жуда истаймиз, негаки, етти ёшда болалик билан хайрлашмаган боланинг тарбияси кейинчалик анча мушкуллашади.

М. АҲМЕДОВ

А.АБДУЛЛАЕВ (ЎзА)олган сурат.

Биринчи қўнғироқ ҳаяжонлари...

КУЮНЧАК ДИЛ НАВОЛАРИ



Абдулла Убайдуллаев, гарчи санъатга бундан чамаси ўн беш йиллар олдин кириб келган бўлса-да, овози «рандаталаб» баъзи хонандалардан фарқли ўлароқ, узоқ ва тинимсиз изланди, таниқли хонандаларга шогирд тушди, созандалик қилди, ҳатто уларнинг қўшиқларига куйлар басталаб юрди ва бу изланишлар самарасиз кетмади. Орадан йиллар ўтиб, ўзи ҳам хонандаликни танлади, бирин-кетин «Севги ёмон бўларкан», «Андижонда «Тожмаҳал» йўқ», «Висол», «Ватан» сингари бир-биридан жозибали, самимий қўшиқларни куйлади ва улар аста-секин мухлислар юрагига йўл топа бошлади.

Эътироф

Абдулланинг қўшиқларида самимий бир дард, куюнчаклик бор. Лекин у ошиқ дил армонларини куйлаётганда ҳам, Ватан мавзусини қўшиққа солаётганда ҳам ясама нолалардан қочади. Юрагининг туб-тубида ётган ёруғ туйғуларга йўғрилган дардига тингловчини ишонтиради, қолаверса, ўша дардни сизга ҳам юқтира олади. Балки санъатнинг кучи ҳам шундадир.

Сир эмаски, Ватан ҳақида қўшиқ айтганда кўтаринкиликка берилиб кетмасликнинг деярли иложи йўқ, чунки мавзунинг ўзи шуни тақозо қилади. Лекин ўша кўтаринкилик кўпинча самимиятни ўлдириб қўяди, қўшиқнинг эшитимлилигини туширib юборади. Абдулла шоира Рислиғой Ҳотамова шеъри билан айтган «Ватан» қўшиғида ана ўша ясама кўтаринкиликдан ҳам, кераксиз йиғлоқиликдан ҳам қочади — кўнгли буюрганидай самимият билан куйлайди:

Муқаддас тупроғинг, буғдой нонингнинг
Ким адо қилгандир ҳаққини, Ватан?
Кўксимда яхшидир боридан йўғи
Сени деб ёнмаган юракнинг Ватан.
Оқ рўмол ўраган онамсан, Ватан,
Жон бериб асрайман, боламсан, Ватан...

Абдулланинг лирик қўшиқларига хос бўлган яна бир хусусият зўракилик ва мусиқа шовқинларидан қочишидир, ашула қилиб айтилаётган ҳар бир сўз талаффузининг тиниқлигидир. У сўзни тушунади, сўздаги дардни яхши ҳис қилади ва куйлаётганда ўз дардини шоир дардига, мусиқадаги нолаларга омухта қила билади. Бу нафақат ошиқ кўнглининг, балки бутун бошли миллатнинг дарди, армони жамланган, таниқли шоир Тўра Мирзо шеъри билан куйланган «Андижонда «Тожмаҳал» йўқ» қўшиғида, айниқса, бўртиб кўринади.

Қаён кетди Туркистон — Турон,
Хаёлимни яралайди ўқ.
Юрагимда занглаган армон:
Андижонда «Тожмаҳал» йўқ.

Одатда, одам бирор мўъжизага рўпара келиб қолса, ҳайратланади, унга гувоҳ бўлганидан қувонади. Лекин бизда «Тожмаҳал»га муносабат бўлакча — ҳар ким бу мўъжизани бунёд этган боболарнинг асл юрти Ўзбекистон эканлигидан фахрланади, аммо аёл зотига эҳтиромни абадиятга муҳрлаган мақбара... она-юртдан жуда олисда эканлигидан афсусланади.

Инглиз тилида «presence effect» ёки «participation effect» деган тушунча бор. У кенг экранли ёки стереофилмларни томоша қилаётган одам ўзини худди ўша воқеаларнинг ичида юргандай ҳис қилишини англатади. Абдулланинг қўшиқларини тинглаётган одам унинг юрагини жунбушга келтираётган ҳисларга ошно бўлади: ёрнинг кўйида дард чекаётган ошиққа айланади; онасини улуғлаётган қобил фарзандга дўнади ва ҳоказо.

Қўшиқнинг, санъатнинг юракларни покловчи қудрати ана шунда билинади.

Абдулланинг бундай қўшиқлари кўп. Унинг «Сен пари» ва «Сенга ўхшамас» аудиоалбомлари мухлислари қўлига етиб борганига анча бўлди. Айни кунларда хонанда шартли номи «Севги дарёси» бўлган янги аудиоалбом устида ишлаяпти. Муҳими, хонанда тинмай изланмоқда, янгидан-янги қўшиқлар куйлаяпти, мухлислар орттираяпти. У ўз ҳаётини санъатсиз, қўшиқсиз тасаввур қила олмайди.

Бир тадқиқот натижасига кўра, инсон юрагига таъсир кучи жиҳатидан мусиқа биринчи, муҳаббат эса олтинчи ўринда турар экан. Абдулланинг муҳаббатдай соф ва илоҳий туйғу ҳақида куйланган самимий ва жозибали қўшиқларининг қудратини шундан тасаввур қилиб олавeринг.

ФАХРИЁР

ЯНГИ ХАНДАЛАР

Икки улфат овчи баланд тоғ тагидаги яланглиқда майшат қилиб, сархуш ҳолда ўтиришарди. Чўққига кўтарилаётган алпинистлардан бири кутилмаганда пастга қулади. Унинг ортидан иккинчиси, сўнг учинчиси...

— Чўққида алпинистларнинг уяси борми дейман-да, — деди биринчи овчи иккинчисига.

* * *

Машҳур рассомларнинг асарлари сотилаётган дўкон.

Харидорлардан бири сотувчидан сўради:

— Кечирасиз, мана бу картинани сотиб олмоқчиман. Аммо сиз бу расмни ҳақиқатан ҳам Рембранд ишлаганига кафолат берасизми?

— Албатта, — деди сотувчи, — уч ой муддатга кафолат берамиз. Бемалол сотиб олавeринг...

* * *

Космик кема фазода учиб бормоқда. Бироз нафас олгани ташқарига чиққан космонавтлардан бири люк эшигини тақиллатиб, қичқиради:

— Ҳой, люкни очсанг-чи, совуққа қотдим-ку!

Ичкаридан овоз келади:

— Бир ўзингмисан ё бирортасини илаштирдингми, ўлай агар, икки кишилик овқат қолган, холос...


Бола қалби беғубор...

БУЮМЛАР ГУРУНГИ

ПАРЁСТИҚ

Товуқ бўлган
Пайтимиз,
Юлишганди
Патимиз.
Қайда қолди
Экан-а
Суягимиз,
Этимиз.

ҚЎЗГУ

Кўрсатаман
Борини,
Қари дейман
Қарини.
Хушомадга
Йўймагин,
Пари десам
Парини.

ЛАНКА

Бир замонлар
Серка эдим.
Эҳ, росаям
Эрка эдим.
Аввал тўйиб
Этимга,
Тепишяпти
Кетимга.

ТАРОЗИ

Тарозиман,
Тарози.
Бўлманг мендан
Норози.
Айб на мен,
На тошимда,
Тарозибон
Ҳошимда.

ҚЎНҒИРОҚЛИ СОАТ

Шунчаки
Соат деманг,
Бу гапдан
Норозиман.
Номим соат
Бўлса ҳам,
Шаҳарнинг
Хўрозиман.

ПАРАШЮТ

Қилма
Қалондимоғлик
Кичиккa ҳам
Каттага,
Ғоҳо ҳаётинг
Боғлиқ
Шалвираган
Латтага.

ИГНА

Ўзим битта,
Кўзим битта,
Юзим битта.

Санчилмайман
Икки жойга
Сўзим битта!

Худойберди КОМИЛОВ

Газетхон нохиши

Ҳижрона қўйиб бизни моҳи жилвагар кетди,
Машраб каби оҳ-зорим кўкка ҳар саҳар кетди.

Билдимки, паноҳ йўқдур Ҳақ таолодан ўзга,
Бир-бир видо айтишиб модару падар кетди.

Аҳёр ила ёр висол айлаганда қоврилдим,
Ичимнию ташимни куйдуриб шарар кетди.

Боқмади кулиб бахтим, чопмади сира омад,
Юлдуз каби толеим бир чиқиб бадар кетди.

Ўт кетса гар ўрмонга хўл-қуруқ ёнар лов-лов,
Дерларки, олов ичра неча минг шажар кетди.

Одоби билан дилбар ҳар одам, юрма бесар,
Кетсанг демасин ортдан, фалон дарбадар кетди.

Тан қолди бежон ерда, руҳ кетди кўкка, гўё
Қош кетди ҳолиб ўсма, тош қолиб гуҳар кетди.

Қил яхшилик, эй Мирзо, эл корига бел боғла,
Охир демасун дўстлар умри бесамар кетди.

Мирза ҚАЙНАРОВ

Сардоба тумани

ҲАЖВЧИНИНГ ТУҲФАСИ

Одатда, бирорта фаол шоир ёки ёзувчи ҳафта-ўн кун кўринмай қолса, дарҳол миш-миш тарқайди.

— Каттароқ асарни қоралаётган бўлиши керак.

— Бе, ҳойнаҳой таржимага шўнғиган, ҳар ҳолда, бекор ётадиганлардан эмас.

— Ҳадемай куз тушади. Озроқ деҳқончилиги бўлса экин-тикинини йиғиштираётгандир...

Мана шунақа гаплар астасекин йўрғалай бошлаганида фаол муаллифларимиздан бири Шодмон Отабек таҳририятга кириб келди-ю масала ўзўзидан ойдинлашди. Маълум бўлишича, ҳажвчи дўстимиз жажжи китобхонларни ҳам бир хурсанд қилиб қўяй, дея ғайрат қилиб, улар учун ёзган ҳикояларини "Қорбўрон" номи билан кўп нусхада чоп эттирибди. Тўпламдан жой олган "Итолғи", "Соч", "Бўйноқ", "Араз", "Галати аппарат" каби ҳикоячалар ёш китобхонларга манзур бўлади деган умиддамиз.



Шундай деб турганимизда бошқа бир гап чиқиб қолди:

— Шодмонбек болаларга ҳам ёзишни бошлабдими, "Дўрмон ҳангомалари" мана энди болалайди...

Утерянный аттестат А № 502613 выданный школой № 97 Юнусабадский р-н, г.Ташкент от 1991 году на имя Исхамова Алёна Талиджановна **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

* * *

ДП "METALL — XIZMAT" зарегистрированное в хокимияте С.Рахимовского р-на г.Ташкента за № 1304 от 04.06.1999 года (ИНН 202938906, ОКОНХ 14841). На основании протокола № 5 от 18 августа 2009 г. **ЛИКВИДИРУЕТСЯ**. Претензии принимаются в течение 2-месяцев по адресу: Сабир Рахимовского р-на г.Ташкента ул, Сагбон, тупик-30, д-79. тел: 760-54-34, 150-36-56, 150-36-85.

* * *

"METALNI QAYTA ISHLASH" зарегистрированное в хокимияте С.Рахимовского р-на, города Ташкента за № 05-000398 от 09.10.2002 года (ИНН 200845604, ОКОНХ 14841). На основании протокола №5 от 18 августа, 2009 г. **ЛИКВИДИРУЕТСЯ**.

Претензии принимаются в течение 2-месяцев по адресу: С.Рахимовский р-н, г.Ташкент, ул. Сагбон, тупик-30, д-79. тел: 760-54-34, 150-36-56, 150-36-85.

* * *

Яккасарой туман ҳокимлиги томонидан 22.06.2009 йилда рўйхатдан ўтган "PAK BONYAN SERVIS" МЧЖнинг Юнусобод туман ДСИдан № 5294-сон билан рўйхатдан ўтган 1-700 гача бўлган квитанция китобининг 301-400 гача бўлган қисми йўқолганлиги сабабли мазкур қисмга тегишли квитанция китоби **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

* * *

В соответствии с решением общего собрания об 21.08.09 г. протокол N5 ТЧСЖ "Тракторсозлар Иккинчи люкс сервис" находящегося по адресу: г. Ташкент ,Мирзо-Улугбекский р-н, м-в ТТЗ-1, дом 38 объявляет о слиянии с ТЧСЖ "ТРАКТОРСОЗЛАР КОММУНАЛ" с переходом к последнему всего имущества, прав и обязанностей. Претензии принимаются в течение месяца по тел: 261-56-69.

* * *

МЧЖ "URAGAN — LUX BIZNES" Мирабадского р-на **ЛИКВИДИРУЕТСЯ.** Претензии принимаются в течении месяца по тел: 426-83-83.

* * *

Утерянный диплом № 313833129, выданный Узбекским Национальным Университетом им. М.Улугбека (ТашГУ им. Ленина) в 1981 г. на имя Туляганoвой Маргубы Тахировны **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

* * *

НОШИР: "ШАРҚ" НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

ҲОМИЙ: "МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ" АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент — 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32

Қабулхона — 233-52-91 Котибият — 233-49-93

Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 236-56-50 Санъат бўлими: 236-56-48

Ижтимоий ҳаёт бўлими: 236-58-55 Назм ва наср бўлими: 233-49-93

Бош муҳаррир Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ

Тахририятга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Навбатчи муҳаррир — Аҳмад ОТАБОЕВ

Саҳифаловчи — Жамшид МАТЁҚУБОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.

Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 21.45

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0283-рақам билан рўйхатга олинган. А — 4392. Буюртма Г — 848. Ҳажми — 5 босма табоқ. Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 4 5 6 7 8

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.

СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН